

# **Тасвирий эфектлар ва постпродакшнда илингөр хорижий тажрибалардан фойдаланиш**



**ЎзДСМИ хузуридаги Тармоқ маркази  
“Кино-телеоператорлик”**

**Профессор в.б. Иқбол Мелиқўзиев**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган**  
**ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи:** ЎзДСМИ “Овоз режиссёрги ва операторлик маҳорати” кафедраси мудири, профессор в.б. Иқбол Мелиқўзиев

**Тақризчилар:**  
**Хорижий эксперт:** JOONHWA JIN-Жанубий Корея “DONG-A” медиа ва санъат институти профессори.

А.Исмоилов – ЎзДСМИ “Овоз режиссёрги ва операторлик маҳорати” кафедраси профессори

Ўқув -услубий мажмуа ЎзДСМИ Илмий методик Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган  
(2020 “29” январдаги 1-сонли баённома)

## **МУНДАРИЖА**

<b>I.</b>	<b>ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>4</b>
<b>II.</b>	<b>МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>15</b>
<b>III.</b>	<b>НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>22</b>
<b>IV.</b>	<b>АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>71</b>
<b>V.</b>	<b>КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>83</b>
<b>VI.</b>	<b>ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>86</b>
<b>VII.</b>	<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>93</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Тасвирий эфектлар ва постпродакшида илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш” модулининг мақсади:**

-педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўкув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

**“Тасвирий эфектлар ва постпродакшида илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш” модулининг вазифалари:**

“Кино-телеоператорлик” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини таомиллаштириш ва ривожлантириш;

-педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

-мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини тъминлаш;

-максус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

-“Кино-телеоператорлик” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини тъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари хамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

**“Тасвирий эфектлар ва постпродакшида илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- таълим жараёнидаги замонавий техник тъминот, фильмларни тасвирга олишнинг илғор услубиётларини;

- фотокомпозиция модулини ўқишидаги анъанавий ва замонавий ёндашувларни таққослашни;

- максус анимацион фильм тасвирга олишнинг энг замонавий технологиялари ва усулларини;

- максус монтаж бўйича дунё кинематографияси томонидан фойдаланилаётган ҳозирги вақтдаги мураккаб монтаж дастурларини;

- тасвирий образ яратиш устида ишлашнинг замонавий технологияларини;

- фототасвирга олишда илғор хорижий тажрибаларни;

- телевидение ва кино санъати соҳасида турли анимацион фильм ва мультфильмлар яратишни;

- монтаж системалари, унинг техник имкониятларини;

- Республика ва жаҳон кино-телеоператорлик мактабларидаги инновацияларни **билиши** керак.

- фотокомпозиция модулини ўқитишда замонавий методларнинг афзалликларини таҳлил қилиш;

- драматургик тасвирий ечим, тарихий, архитектура, табиат ва турли хил жанрдаги фотографияларни илмий-ижодий таҳлил этиш;

- фотокомпозиция фанининг илғор хорижий тажрибаларидан фойдаланиш;

- анимацион фильмларда мавжуд тасвирий имкониятлардан фойдаланиш;

- турли монтаж системалари, унинг техник имкониятлари ҳамда амалиётда қўллаш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.
- миллий кино-телеоператорлик мактаби ижодий методларини ажратади;
- барча тасвирга олиш техникалидан мукаммал фойдалана олиш;
- фотокомпозициянинг янги қирраларини таҳлил қилиш;
- кинокадр яратишида шаклланиб келган ўқув-амалий жараёнларини тўлиқ ўзлаштириш;
- иш юритишнинг илфор, замонавий усулларидан фойдалана олиш;
- кино соҳаси ташкилотларини стратегик бошқариш **малакаларига** эга бўлиши зарур.
- хорижий инновацион ёндашув методикасини фанга тадбиқ қилиш;
- узоқ тарихга эга ўзбек рассомлари ишлари, композиция яратишдаги методлари, тажрибаларидан амалий машғулотларда фойдаланиш;
- фототасвирга олишда илфор хорижий тажрибаларни қўллаш;
- фотокомпозицияда янги кашф этилган композицион услубларни амалиётда ишлатиш;
- мураккаб жанг саҳналарини, оммавий саҳналарни, катта хореографик композицияларни саҳналаштириш, тасвирга олиш жараёнини замонавий технологиялар ёрдамида акс эттириш;
- кинематографияни молиялаштиришнинг хорижий тажрибасини таълим тизимига қўллаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Тасвирий эфектлар ва постпродакшинда илфор хорижий тажрибалардан фойдаланиш”** модули ҳозирги кунда таълимнинг замонавий методлари, ахборот коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, шунингдек анъанавий ва замонавий дирижёрлик асарларидан ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурӯхли фикрлаш, кичик гурӯхлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ижрочилик малакаларини шакллантириш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Тасвирий эфектлар ва постпродакшинда илфор хорижий тажрибалардан фойдаланиш” модули мазмуни ўқув режадаги “Фотокомпозиция лойиҳаларини яратишида инновацион технологияларни қўллаш”, “Махсус ва мураккаб монтажларда илфор инновацион ва педагогик

технологияларидан фойдаланиш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини ортиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида номоддий маданий мероснинг ўрганилишини таъминлаш, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

<b>№</b>	<b>Модул мавзулари</b>	<b>Тингловчининг ўқув юкламаси, соат</b>			
		<b>Жами</b>	<b>назарий</b>	<b>амалий</b>	<b>Кўчма</b>
1.	Махсус анимацион фильм тасвирга олишнинг энг замонавий технологиялари, усулларини билиш ва улардан фойдалана олиш	4	2	2	
2.	Киноларни тасвирга олишнинг ўзига хос технологияси	4	2	2	
3.	Кинематография ва телевиденияда юқори даражадаги дид ва бадиий тафаккурга эга асарлар яратиш	4	2	2	
4.	Махсус графика 2D, 3D, 5D, 7D мультфильм ва оммавий ахборот воситалари, телевидение ва кино санъати соҳасида турли анимацион фильм ва мультфильмларни яратиш ҳамда уларни амалиётда қўллаш	2		2	
5.	Махсус кино тасвирга олишнинг энг замонавий технологиялари ва усуллари.	2		2	
6.	Махсус тасвирий эфектлар яратишида қўлланиладиган замонавий дастурлар.	2		2	
<b>Жами:</b>		<b>18</b>	<b>6</b>	<b>12</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Махсус анимацион фильм тасвирга олишнинг энг замонавий технологиялари, усулларини билиш ва улардан фойдалана олиш**

Махсус анимацион фильм тасвирга олишнинг энг замонавий технологиялари, усулларини билиш ва улардан фойдалана олиш. Кино санъати турлари қаторига киравчи анимацион фильмлар ишлаб чиқариш. Махсус яратилган графика-анимация йўналишларида бадиий образ яратиш. Замонавий методлар талаб қиласидан, таълимнинг умум психологик фанлардан фарқи.

### **2-мавзу: Киноларни тасвирга олишнинг ўзига хос технологияси**

Киноларни тасвирга олишнинг ўзига хос технологияси. Ўқитишининг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш. Янги информацион-педагогик технологияларни тадбик этиш. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалардан фойдаланиш. Маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материалларда фойдаланишни қоидаларига амал қилиш.

### **3-мавзу: Кинематография ва телевиденияда юқори даражадаги дид ва бадиий тафаккурга эга асарлар яратиш**

Кинематография ва телевиденияда юқори даражадаги дид ва бадиий тафаккурга эга асарлар яратиш. Талаба билан ишланадиган методларни замонавий техника орқали қўллаш. Ўқув павильони, тасвирга олиш майдончасида, декорациялар билан ишлаш. Табиий қуёш нуридан фойдаланиб эпизод олиш. Ўқув павильони, тасвирга олиш майдончасида, декорациялар билан ишлаш. Табиий қуёш нуридан фойдаланиб эпизод олиш. Компьютер дастурларидан фойдаланиш. Очиқ дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Махсус анимацион фильм тасвирга олишнинг энг замонавий технологиялари, усулларини билиш ва улардан фойдалана олиш**

Махсус анимацион фильм тасвирга олишнинг энг замонавий технологиялари, усулларини билиш ва улардан фойдалана олиш. Ушбу фан бўйича ўрганилган билимлар якка (амалий) машғулотларни амалий кўникмалар орқали мустаҳкамлаб бориш. Хусусан ҳар бир мавзу юзасидан талаба маълум амалий кинокадр олиш. Турли жанрларда махсус анимацион замон қаҳрамонларини яратиш.

### **2-амалий машғулот: Киноларни тасвирга олишнинг ўзига хос технологияси**

Киноларни тасвирга олишнинг ўзига хос технологияси. Телевидение ва кино санъати соҳасида турли аниматцион фильм ва мультфильмларни яратиш. Амалиётда тажрибаларни қўллаш. Фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисмида, замонавий инновацион технологиялар ва ахборот ресурслари билан тўла таъминлаш.

### **3-амалий машғулот: Кинематография ва телевиденияда юқори даражадаги дид ва бадиий тафаккурга эга асарлар яратиш**

Кинематография ва телевиденияда юқори даражадаги дид ва бадиий тафаккурга эга асарлар яратиш. Бадиий тафаккур маданиятини ва бутунги куннинг санъат амалиётини танқидий ёндошув орқали ўзлаштириш малакасини шакллантириш. Ўқув дастурига киритилмаган айрим масалаларни назарий жихатдан мустақил тадқиқ этиш. Кенг камровли амалий материални мустақил таҳлил этиш. Танқидий таҳлил, кинооператорлик санъатини тушуниш.

### **4-амалий машғулот: Махсус графика 2D, 3D, 5D, 7D мультфильм ва оммавий ахборот воситалари, телевидение ва кино санъати соҳасида**

## **турли аниматцион фильм ва мультфильмларни яратиш ҳамда уларни амалиётда қўллаш**

Махсус графика 2D, 3D, 5D, 7D мультфильм ва оммавий ахборот воситалари, телевидение ва кино санъати соҳасида турли аниматцион фильм ва мультфильмларни яратиш ҳамда уларни амалиётда қўллаш. Миллий ва жаҳон кино мактаблари ва йўналишлари ютуқларини таҳлил қилиш. Бадиий тафаккур маданиятини ва педагогик маҳоратини шакллантириш.

### **5-амалий машғулот: Махсус кино тасвирга олишнинг энг замонавий технологиялари ва усуллари.**

Махсус кино тасвирга олишнинг энг замонавий технологиялари ва усуллари. Мустақил таълим тингловчиларнинг фан доирасидаги билимларини янада чуқурлаштириш. Санъатга оид илмий манбалар устида илмий тадқиқотлар олиб бориши ривожлантириш. Жаҳон анимацион фильмларини таҳлил қилиб бориши. Якка машғулотлар талабада тажрибалар воситасида ўз ижодий йўналишини аниқлаш ва кўникмаларни шакллантириш.

### **6-амалий машғулот: Махсус тасвирий эфектлар яратишида қўлланиладиган замонавий дастурлар.**

Махсус тасвирий эфектлар яратишида қўлланиладиган замонавий дастурлар. Мунтазам равишида раҳбар назорати остида шуғулланиб бориши. Бутунги куннинг санъат амалиётини танқидий ёндошув орқали ўзлаштириш малакасини шакллантириш. Ўқув дастурига киритилмаган айрим масалаларни назарий жихатдан мустақил тадқиқ этиш. Кенг камровли амалий материални мустақил таҳлил этиш. Танқидий таҳлил, кинооператорлик санъатини тушуниш.

## **ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш), кўчма машғулотлар;
- давра сұхбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### **IV. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирив ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш қўйидаги шаклларни ўз ичига олади: очиқ ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD)

даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурӯҳи учун 1 та очиқ дарс ўтказади. Очиқ дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хulosалари кафедранинг йигилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва қўнималарини ривожлантириши лозим:

- олий таълим тўғрисидаги норматив-хуқуқий ва директив ҳужжатларни, олий таълим давлат таълим стандарти, классификатор, малака талаблари, шунингдек, ўқитилаётган фан бўйича ўқув дастурини такомиллаштириш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;
- бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методларни қўллаш, шунингдек, ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш, ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш, ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари асосида ташкил этиш, ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини (маъruzалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар) ташкиллаштириш;
- талabalар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти; талabalарнинг билим ва қўнималарини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш; иқтидорли талabalарни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;
- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.

– мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: ақлий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласи) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гурӯҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий ҳужум – микро гурӯҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гурӯх ичидаги умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

**Намуна:** Гурӯхга муаммоли вазият берилади, мисол учун оркестрни ташкил этувчи коллективдаги психологик вазият ёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали ақлий ҳужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яъни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлган фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

**“Кейс-стади”  
методи**

**«ФСМУ» методи**

**«Кейс-стади»** - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ходиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий

бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибida қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### **“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмuni</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиши	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиши;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

## **Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлари**

- 1. Кейсдаги муаммони келтириб чиқарған асосий сабабларни (кичик ва индивидуал гурұхларда аниқлаш)**
- 2. “Монна-Лиза” портретини шилашда қаҳрамоннинг рұхий ҳолатини очиб беришда рассомнинг маҳоратини аниқланг. (гурұхларда таҳлил ёзма ёки оғзаки.)**

**Кейс.** Леонардо да Винчи “Монна Лиза” картинасини чизаётганда асар қаҳрамоннинг ички дунёсіни очиб бермеганида асар картина даражасига күтарилилармиди?

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнилмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

**Ф**

- фикрингизни баён этинг

**С**

- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг

**М**

- қўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг

**У**

- фикрингизни умумлаштиринг


- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезрок ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

**Фикр:** “Тарихий ёки майший мавзудаги қўпқоматли компазиция асарининг ғояси”.

**Топширик:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.



**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунланғач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида кўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### “Блиц-ўйин” методи

**Методнинг мақсади: тингловчиларда** тезлик, ахборотлар тизимини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнимкаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида кўллаш самарали натижаларни беради.

**Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу ёки бирор бир картина юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурӯхларга бирлаштиради ва гурӯҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гурӯхдошларини таништириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб,

ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир түхтамга келиб, жавобларини «гурұх баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурӯхлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетмакетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуиши сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурӯх баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурӯх хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурӯх хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-мавзу: Махсус анимацион фильм тасвирга олишнинг энг замонавий технологиялари, усулларини билиш ва улардан фойдалана олиш**

##### **РЕЖА**

1.1. Кино ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари

1.2. Махсус эфектлар

1.3. Махсус эфектларни яратишда рақамли технологиялар

**Таянч сўзлар:** Ўзбек киноси, кинематография, тарихий жанр, композиция, тасвирий ечим, ифодалилик.

##### **1.1.Кино ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари.**

Тасвирни бевосита рақамли ХД форматида ёки киноплёнкага тушириш мумкин. ХД рақамли форматда суратга олиш 35 мм.ли кино тасмасида кинони суратга олиш жараёни билан ўхшаш бўлибина қолмай, бир қанча афзалликларга ҳам эга: майдончадаги суратга тушириш техникасини тезкор равишида тайёрланишини таъминлайди, шунингдек, суратга олинган материал сифатини ўша заҳотиёқ назорат қилиб кўриш имконини беради. Кинотасма билан ишлаганда пост-продакшн босқичида махсус тасвирларни ва титрларни яратиш учун сканерлаштириш, рангларни мувофиқлаштириш учун тасвирни 2К (Дигитал Интермедиате) рақамли форматига ўтказиши талаб этилади.

**Хомаки монтаж (офф-лайн)** – суратга олишнинг ҳар икки турида ҳам суратга олинган дастлабки материални компьютерда йўналишдан ташқари рақамли монтаж қилиш ҳамда ЭДЛ (монтаж варақаларини тайёрлаш) учун стандарт видео форматига ўтказишингиз лозим бўлади.

**Тоза монтаж** – бу айнан негатив тасмани монтаж варақаси бўйича монтаж қилишнинг ўзгинаси, фақат ХД форматида бу иш ЭДЛ бўйича автоматик жараён тарзида кечади ва 8 соатдан ортиқ вақт олмайди. Суратга олишнинг рақамли форматида ишлаганда сиз хомаки монтаж жараёнида қўшимча тасвир воситаларидан: оҳиста алмашинув, рапид усулларидан ишонч билан фойдаланишингиз мумкин, кейин улар ХД га автоматик тарзда жойланниб қолади. Титрлар ва компьютер графикаси бир вақтнинг ўзида тайёрланади, рақамли форматда уларнинг имконияти ҳам ниҳоятда кенг.

**Рангларни мувофиқлаштириш** (Солоур соррестион) – ҳозирги кунда Россияда кино тасмасига суратга олинаётган бадий фильмларнинг 50 фоизидан ортиғида Дигитал Интермедиате рангларни мувофиқлаштириш технологиясидан фойланилмоқда, яъни кинотасмаси компьютерда 2К/ХД форматида рақамлаштирилмоқда, чунки рангларни мувофиқлаштиришнинг лаборатория усулининг имкониятлари рангларни рақамли компьютерда Да Винси, Погле, Диссреэт Лустре ускуналари ёрдамида мувофиқлаштиришга қараганда анча чекланган.



*Давинси Рангларни мувофиқлаштириши (Солоур соррестион) дастурида қайта ишиланган тасвир.*

Мастеринг – фильмнинг охирги кўринишини Долбй овозида рақамли форматда тайёрлаш, бу уни кинозалда катта экранда олдиндан, кинотасвир нусхасини нашр этмасдан сифат жиҳатидан кўриб чиқиш имконини таъминлайди. Бу шароит тайёр маҳсулотнинг салоҳиятини баҳолаш ва экранга чиқариладиган нусхаларнинг ҳажмини белгилаб олиш ёки фильмни фақат видео прокат учун ДВД воситасида чоп этиш қарорини қабул қилиш ва х.к. имконини беради. Охирги ҳолатда тасвирни кино тасмасига кўчириш талаб этилмайди.

### **Тасвирни кино тасмасига кўчириш**

Рангларни рақамли мувофиқлаштиргандан кейин, суратга олишнинг ҳар қандай усулида ҳам, фильм рақамли сақлагичдан 35 мм.ли кино тасмасига кўчириб олинади. Бунда заррадорлиги кичик даражадаги интермедиатетасмадан фойдаланиш тавсия этилади.

Сиз ўз лойиҳангизни амалга ошириш учун қандай технологияни қўллаш тўғрисида қарор қабул қилишингиз биланоқ, шубҳасиз, ишлаб чиқариш учун

фақат рақамли технологиядан фойдаланган маъқульми ёки тасмали ва рақамли технологиядан уйғун ҳолда фойдаланиши деган масала билан боғлиқ бир неча амалий муаммоларга түқнаш келасиз.

Күйида кино ишлаб чиқаришнинг асосий босқичлари: суратга олиш, монтаж, рангларни мувофиқлаштириш ва тасвирни тасмага кўчириш тўғрисида энг муҳим ахборот келтирилади.



*Санон 5Д марк ИИИ камераси*

### **HD га суратга олиш нимаси билан фарқ қилади?**

Кўп жиҳатларига кўра HD га суратга олиш худди кино тасмасига суратга олиш каби бажарилади. HD технологиясининг энг муҳим фарқи шундаки, суратга олиш майдончасида юксак сифатли монитор (видеоназорат) ихтиёрингизда бўлади ва у тасвирнинг сифатини худди пост-продакшнга келган вақтингиздагидек кўриш имконини беради. Монитор ранглар ҳароратига кўра ташқи ёритиш даражасига мувофиқлаша олади, шу сабабли, камерада ёзиб олинайтган тасвирга мутлақо мос келади. Жойига чиқиб суратга олинган материални кўриб чиқиши, бир вақтнинг ўзида хомаки монтаж ўtkазиш учун ихчам монтаж қилиш аппаратидан фойдаланиш имконияти мавжуд.

*"HD камерасида ишишини ўғирилувчан тасмада ишишига нисбат берши мумкин. Ўғирилувчан тасманинг қонуниятларини билган киши лентага кўникиши осон. HD лентаси ниҳоятда кенг имкониятлар ва салоҳиятларга эга. Шу сабабли, оператор ўз диққатини тасвирда нурларнинг яхши акс эттирилишига қаратишни лозим, сояларни эса кейинчалик, рангларни мувофиқлаштириши чогида тиклаш мумкин бўлади. Айниқса, тасвирни "ортиқча нурлантириб" юбормаслик, ёритилиши оптималь даражасада бўлишига эришиши муҳим, акс ҳолда тасвирни таркиб топтирувчи ўта нурлантирилган пикселлар ўрнини тўлдириб бўлмайди. Суратга олиши вақтида биз HD-оссиллографидан фойдаландик".*

## *Дмитрий Мишин, оператор*

Том маънодаги, яъни компьютер графикиси кўмагисиз амалга ошириладиган комбинацияланган тасвирга олиш усуллари ўз ривожининг энг юқори чўққисига Америкада Стенли Кубрикнинг “2001: Самовий одиссея” картинасида кўтарилиди. Мутахассис Дуглас Трамбуул ўзигача яшаб ижод қилган мутахассисларнинг барча ютуқлари ва кашфиётларидан тўлик фойдаланган ҳолда коинот сарҳадларига илдам одимлаётган инсоният цивилизациясининг эртанги кунини максимал ҳаққонийлик билан экранда кўрсатиб беришга ҳаракат қилди. У кинотасма ёрдамида амалга ошириш мумкин бўлган барча мавжуд усулларни ўрганди, Мелеснинг изланишларини мукаммаллик даражасига кўтариб жуда кўплаб кинотрюкларни кашф этишга эришди.



*“2001: Самовий одиссея” фильмидан лавҳа*

“2001: Самовий одиссея” фильм 1969 йилда экранларга чиқсан бўлсада унга тайёргарлик ишлари бир неча йил илгарироқ бошланган. 1965 йилда XXI асрга келиб космик кемалар қандай бўлиши мумкинлиги тўғрисида тасаввур ҳам қила олишмаган албаттада.

Лекин, Стенли Кубрик аллақачон перфекционист<sup>1</sup>ик қарашлари билан машхур бўлиб улгурганди. Шунинг учун ҳам ҳеч ким келажак самовий кемаларининг назарий жиҳатдан қандай бўлиши кераклиги тўғрисида бахслашиб ўтирмади. Шундай бўлсада Кубрик НАСА фазовий тадқиқотлар бошқармаси мутахассиси Гарри Лендж ва Фредерик Ордуэйни ҳамкорликка таклиф қилиб иш бошлади.

Секин асталик билан ижодий гурух тузилиб мутахассислар назоратида фильм деталлари ва декорация чизмалари чиза бошланди. 1965 йил апрелида


<sup>1</sup> Перфекционизм (фр. perfection) – инсон ўзи ва атрофидаги инсонларни мукаммалаштиришга интилиши унинг хаёт мазмуну ва олий мақсади бўлиши керак. [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org) электрон энциклопедияси.

концепт-дизаер Энтони Мастерс Гарри Ленджнинг чизмалари асосида реал декорациялар ва макетлар курилишини бошлади.


Махсус эффектлар гурухы эса ишни августдан бошлашди. Кубрик фильмга ёш ва истеъодли мутахассислар Дуглас Трамбулл, Билл Пирсон ва Ричард Юрисичларни таклиф этди.

Кубрик кема моделларини турли ракурслардан тасвирга олишнинг имкони бўлишини истарди. “Орион” (узунлиги 1 метр) “Овен” (60 см), “Ой автобуси” (60 см), қарийб 16.5 метр узунликдаги “Дискавери”нинг улкан модделари ясалди. Ўз табиий ўлчамларида ясалган моделлар бу “Дискавери” ва очик коинотга чиқадиган модуллардан бири эди.

У пайтларда ҳали *харакат назорати* (*motion control*) системаси ихтиро этилмаганди. Шундай қилиб узун рельсларнинг устига камера ўрнатилган ва камеранинг барча харакатларини “эслаб қолувчи” мотор ўрнатилганди. Камера олдида космик кемалар моделлари харакатлантирилган пайтда моделлардаги иллюминаторлар ичидаги ёруғлик ўчириб қўйилган ҳолда, фақат ташқи қисмлар ёритилган ҳолатда тасвирга олинган. Кинотасмани ортга қайтариб яна тасвирга олиш бошланган. Бунда иллюминаторлар ўрнига оқ экран қўйилар ва актёрлар сахналари аввалдан тасвирга олиб тайёрлаб қўйилган кадрлар *rip-проэция* усулида проэкция қилинган.



*Фильмдаги “Дискавери” кемаси ва ундан чиқаётган модуль макети.*



## *Ойдаги самовий база модели*

“Самовий одиссея” фильмини яратиш жараёнида Кубрик ва унинг ҳамкорлари икки турдаги технология прототипларини яратдилар ва улар кейинчалик маҳсус эффектлар соҳасида кенг қўлланила бошланди. Лекин бу борадаги муаллифлик ҳуқуқи “Самовий одиссея” ижодкорларига эмас, балки “Юлдузлар жанги” фильмни ижодкорларига насиб этди. Биринчи технология: Камера *харакати назорати* системасини 70-йилларда айнан шу фильм маҳсус эффектлар ихтирочиси Джон Дайкстра мукаммал даражада ривожлантириди. Дайкстранинг системасида камера “хотираси” вазифасини компьютерлар бажарган бўлса, Кубрик усулидаги “эслаб қолиш” механик усулда бўлган.

Иккинчи технология – тезкор кадрма-кадр тасвирга олиш усули бўлиб, ундан фильмнинг “Империя қарши зарба беради” қисмида фойдаланилган. Бу ҳолатда тасвирга олиш жараёнида обьектни бир оз жойидан силжитиши имконияти пайдо бўлиб, обьект харакатланадиган пайтда кадрда хосил бўладиган “чапланиб кетиш” ҳолатини яратиш ва шу йўл билан кадрларга ҳаққонийлик бериш мумкин бўлган.

“Орион” фазо кемаси иллюминаторларидан бизга кўринадиган юлдузли осмон металл листлар ёрдамида яратилган. Улар қора рангга бўялиб унда юлдузлар вазифасини ўтовчи турли тешикчалар қилинган ва бу тешикчалар ортидан ёруғлик манбай қўйилган. Бу ҳолатда фазо кемалари харакатини уларнинг ўзини эмас балки ана шу металл листларни харакатлантирган ҳолда имитация қилинган.

Фильмдаги Ой сайёраси кўринишларининг ҳам ҳаммаси ҳақиқий фото тасвирлардир. Тасвирга олиш жараёнида бир неча бор Ой моделини тайёрлашга уриниб кўришган, лекин бу уринишларнинг ҳаммаси зоэ кетган.

Фильмдаги вазнсизлик натижасида ҳавода муаллақ сузаётган ручка эффицити жуда оддий амалга оширилган. Ручка катта ойна бўлагига икки ёқлама ёпишқоқ скотч ёрдамида ёпиштирилганди ва тасвирга олиш пайтида уни секингина айлантириш, харакатлантириш мумкин бўлган. Стюардесса эса уни шунчаки ойнадан кўчириб олиб ухлаб ётган пассажир чўнтағига солиб қўйган холос.

Фильм охирларига келиб кўришимиз мумкин бўлган “Юлдузлар дарвозаси” кўринишлари слит-ссан технологияси ёрдамида яратилган. Бу технологиянинг эътиборли томони шундаки, тасвирга олиш жараёнида камера фильм каналидаги кадр туйнугига ингичка тирқишга эга бўлган қопқоқча қўйилади. Тасвирга олиш жараёнида бу тирқишчани кадр ўртасигача суриб у ёқдан бу ёққа харакатлантириллади ва шу пайтнинг ўзида тасвирга олинаётган обьектни ҳам ўрнидан қўзғатилиб турилади. Натижада кинотасмада деформацияланган тасвирлар пайдо бўлади. Дуглас Трамбулл айнан шу йўл билан фильмнинг финал қисмидан жой олган “Юлдузлар дарвозаси” кадрларини яратишга муваффақ бўлган. Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, режиссёр Стенли Кубрик бу фильмини яратадиган пайтда компьютер ёрдамида турли виртуал декорациялар, фазовий оламларни моделлаштириш у

ёқда турсин, ҳали компьютер технологияларининг ўзи ҳам ривожланиб улгургани йўқ эди.

60-х йилларга келиб деярли барча жанрлардаги фильмларда визуал эфектлардан фойдаланиш сустлашди. Мураккаб тасвирга олиш усуллари га қизиқиши пасайди ва визуал эфектлар яратишнинг классик услублари янги давр киноси талабларига тасвирий ифода восита сифатида жавоб бермай қолди. ўз навбатида мураккаб тасвирга олиш усуллари техникаси ва технологияси ҳам такомиллашишдан тўхтади.

Кўпгина режиссёр ва операторлар комбинацияланган тасвирга олиш усуллари га худди азоб-уқубатли муаммодек қарашиб ўз ижодларида улардан “нарироқ юриш”ни маъқул кўра бошладилар.

Бу йўналишдаги янги усуллар, янги технологиялар борган сари камайиб борди. Бу ҳол нафақат Россия, балки жаҳон киносида ҳам кузатилди.

Тўғри, АҚШлик тиниб тинчимаган кино ижодкорлари бу йўналишда муайян янгиликлар ўйлаб топишар ва амалиётга тадбиқ этиб ғаройиб фильмларни яратишга муваффақ бўлишган. Бироқ, жараённинг умумий манзараси эса бу соҳада сустлашишни кўрсатарди.

## 1.2.Махсус эфектлар.

Кино санъати ўзининг юз йилдан ортиқ тарихий ривожланиш йўлида жуда кўп ўзгаришларга, янгиланишларга юз тутди ва замонавий кино санъати даражасига етиб келди. Унда турли даврларда турли авлод ижодкорлари ранг-баранг жанрларга қўл урдилар, ўзгача услублар яратдилар ва турлича бадиий ифода воситаларидан фойдаландилар. Ҳар бир даврда қилинган ўзгаришлар, киритилган янгиликлар ва услубларнинг кино санъатида ўз ўрни бор албатта.

Бугунги кунда эса махсус эфектларсиз кинони тасаввур қилиб бўлмай қолди. Кўпчиликда ҳайрат уйғотаётган махсус эфектлар, мутахассисларга яхши маълумки, бугун ёки кеча пайдо бўлиб қолгани йўқ. Аслида унинг илдизлари, XIX асрлар охирига бориб тақалади.

“Харакатдаги тасвир” – кинематограф ўз ривожланиш йўлини томошагоҳдан, ярмарка иллюзионларидан оммавий қўнгилочар томоша сифатида бошлаган экан, унда томошабинни ўзига жалб қилувчи томошавийлик элементларининг, хусусан, турли трюк<sup>2</sup> ва эфектларнинг бўлиши табиий ҳолдир.

Бундан махсус эфектлар кино санъати билан у илк пайдо бўлган даврлардан ўзаро бир бутунлиқда ривожлана бошлаган ва кинода компьютер махсус эфектларининг пайдо бўлиши кинонинг санъат сифатида шаклланишидаги табиий ривожланиш жараённинг эволюсион давоми деган хулоса қилиш мумкин.

1902 йилда франциялик кино арбоб Ж.Мелес “Эфектли кинолар асри”га эшикни очиб берди. У турли кинотрюкларни ихтиро килди ва уни кинорежиссуранинг кундалик амалиётига киритди. Янги давр бошланиб махсус ва мураккаб тасвирга олиш усулларидан фойдаланиб кинолар яратиш

<sup>2</sup> Трюк – моҳирлик ва эпчиллик билан тез бажарилган харакат; хийла, найранг;

авж олди. 1920-1930 йилларда яратилган фильмлар ичида, жанр хусусиятларидан қатъи назар, мураккаб тасвирга олиш усулларининг ақалли бирортасидан фойдаланилмаган бирор-бир фильмни топиш мушкуллиги ҳам фикримизни тасдиқлади. Бу ҳолат ўзига хос эпидемия даражасига ҳам кўтарилиди.

Махсус эфектлар тўғрисида фикр юритишдан олдин авваламбор “Махсус эфектлар ўзи нима?” деган саволга ойдинлик киритиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Махсус эффе́кт (ингл. специальный эффект, қисқ. СПФХ, СФХ ёки ФХ) – кинематографиядаги технологик усул, йўл<sup>3</sup>. Кинода, телевидениэда, турли шоуларда ва компьютер ўйинларида, фойдаланилади. Асосан оддий усулларда суратга олишнинг имконияти бўлмаган саҳналарни, масалан, олис келажакдаги космик кемалар ўргасидаги жанглар каби шунга ўхшаш фантастик тасвирларни яратиш учун фойдаланилган.

**ФХ** термини инглиз тилидаги аббревиатура бўлиб специальный эффект, яъни махсус эфектлар маъносини билдиради. **ФХ** аббревиатурасидаги “Ф” ва “Х” харфлари аслида ҳеч қандай маънони англатмайди. Американча инглиз тилида ясалган “4 У” = 4 – фоур – фор, У = ёу = (сен учун) қисқартма сўзи каби **ФХ** аббревиатураси ҳам **Ф-эф** ва **Х-экс** сўзларини бириктирган ҳолда эф+экс яъни, эффект – эфектлар, сўзи ясалган. Бу каби қисқартма сўзлар ясаш гарбда ҳам урфга кирган.

Махсус эфектлардан яна анъанавий усулда тасвирга олиш усуллари жуда катта сарф-ҳаражатларни талаб қилганда, масалан, самолётни парвоз чоғида портлаб кетиши, ёки тасвирга олиш ишлари инсонларга, атроф мұхитга кучли экологик зарар етказиши мумкин бўлганида, табиий шароитларда имконсиз бўлган, яъни қор бўронлари, кучли торнадо, зилзила кабиларни экранда яратиш мақсадларида фойдаланилади. Бундан ташқари, махсус эфеклардан тасвирга олинган материални қайта ишлашда, сифатини яхшилашда, бошқа тасвирлар билан бирлаштиришда ва кўплаб бошқа мақсадларда фойдаланилади.

**Махсус эфектлар шартли равища асосий икки катта синфга ажратилади:**

- 1) **Визуал махсус эфектлар (ВФХ)** – оптик эфектлар (*мураккаб тасвирга олиш усуллари ёрдамида яратилган эфектлар*), шу билан бирга компьютер графикаси ёрдамида тайёрланган эфектлар.
- 2) **Механик махсус эфектлар – (СФХ)** механик (*физик*) эфектлар бўлиб, тасвирга олиш олдидан материалларга қайта ишлов беришни назарда тутади. Буларга моделлар ясаш, пиротехника ва техник мосламалардан, махсус гримдан фойдаланиш кабилар киради.

**Махсус эфектлар ўзининг турлари бўйича асосий тўрт грухга бўлинади:**

---

<sup>3</sup> Wikipedia интернет энциклопедиаси. [www.wikipedia.ru](http://www.wikipedia.ru) Интернет сайти.

**1) Механик эфектлар** (қўғирчоқлар, турли хил механик муляж<sup>4</sup>лар ва бошқа барча механик қурилмалар, тасвирга олиш майдончасидаги (аниматроникслар<sup>5</sup>));

**2) Оптик** (бу қисмга камера ёрдамида яратиладиган эфектлар, масалан: напливлар<sup>6</sup>, икки карра ёки кўп марта экспозициялаш<sup>7</sup> усуллари, турли маскалар ва хоказолар киради.);

**3) Грим (пардоз)** – (тасвирга олиш майдончасида ҳаёлий (фантастик) қаҳрамоннинг ташқи кўриниши, кийимлари устида иш олиб бориш, турли хилдаги латекс ниқоблар яратишни ўз ичига олади;

**4) Рақамли (компьютер) маҳсус эфектлар** – компьютер ёрдамида амалга ошириладиган маҳсус эфектлар. Улар ўзида нисбатан анча кенг бўлган имкониятларни қамраб олиб, сунъий ёмғир, шамол яратишдан тортиб то қаҳрамонларнинг уч ўлчамли моделларини яратишгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади).

Бундан ташқари, **маҳсус овоз ва шовқин эфектлари (Соунд ФХ)** ҳам мавжуд. Улар ҳам тасвирларга нисбатан ҳаққонийлик хиссини кучайтириб ўзига хос иллюзия уйғотиш йўлида энг асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Аксарият ҳолларда кино яратиш жараёнида санаб ўтилган маҳсус эфектлар турларининг барча хилларидан турли нисбатда фойдаланилади. Ушбу ўқув қўлланмада кўпроқ компьютер маҳсус эфектлари кўриб чиқилади. Бироқ бу ишнинг моҳиятини очиб беришда фойдаланилган фильмларда маҳсус эфектларнинг бошқа турлари ҳам фойдаланилмаган дегани эмас.

Саволлар:

1. Маҳсус эфектлардан фойдаланиш ва бадиий ўрни.
2. Фильмлар мисолида.

### **1.3. Маҳсус эфектларни яратишда рақамли технологиялар**

Камерон “Аватар” ни яратиш жараёнида харакатни ёзиб олиш (қайд этиш) системасидан фойдаланди. Бу система актёрлар ижросини компьютер виртуал оламида яратилган актёрларга кўчириш имконини берувчи янги технологиядир. У актёрлар харакатини 3Д форматда – уч ўлчамда ёзиб олади. Бу технологияда тасвирга олиш майдони атрофига ҳаракатни ёзиб оловчи маҳсус 3Д сканерлар ўрнатиб қўйилади.

Актёрлар эса жуда кўп сонли датчиклар ўрнатилган маҳсус кийимлар кийиб олишади. Улар майдончада ўз ролларини ижро этадилар ва маҳсус кийимга ўрнатилган датчиклар сканерларга доимо сигнал юбориб туради. Шу

<sup>4</sup> *Муляж (фр.)* – нарсаларнинг мум қуйиб ясалган ўз катталигидаги нусхаси ёки қолипи.

<sup>5</sup> *Аниматроникс* – ҳаракатланувчи қўғирчоқлар, муляжлар ва бошқа ҳаракатланувчи техник воситалар.

<sup>6</sup> *Наплыв (рус.)* – оҳиста (аста-секин) алмашинув (экранда бир манзаранинг иккинчи манзара билан секин-аста алмашинуви).

<sup>7</sup> *Экспозиция (фр.)* – бу ерда ёруғлик таъсиридан материал, яъни плёнкада ёруғлик таъсирида тасвир хосил қилиш маъносида ишлатилган.

тариқа актёрларнинг ҳар қандай ҳаракатлари тўлалигича компьютер виртуал оламида шаклланади.



*3D ҳаракат сканери.*



3Д ҳаракат сканери воситасида ҳаракатни ёзиб олиш ва виртуал актёрларга биринчириш жараёни.

Камерон СГИ<sup>8</sup> технологияларни шу даражада такомиллаштирилди, энди актёрлар исталган қаҳрамон ролини ижро этишлари мумкин ва бунинг учун хеч қандай маҳсус грим қилиш ёки кийимлар тикиш шарт эмас<sup>9</sup>. Авваллари, эски технологияларда ҳаракатни ёзиб олиш вақтида актёрларнинг юз ифодаларига умуман эътибор берилмас ва фақатгина уларнинг жисмоний ҳаракатларини иложи борича сифатли холда ёзиб олишга асосий эътибор қаратиларди.

Камерон эса, ҳаракат сканерлари сонини 6 каррага қўпайтирганидан ташқари, асосий эътиборини актёрлар ижросига, мимикаларга қаратди.

8 CGI – Computer Generated Images Тўлалигича компьютер технологиялари ёрдамида яратилган тасвир, графика/  
9 Джон Ландау – “Аватар” фильмни продюсери. “Аватар – у қандай яратилди” хужжатли фильмидан.

Камерон бунинг учун янгиликка қўл урди. У харакатни ёзиб олиш пайтида актёрларнинг юз ифодаларини ҳам яхшироқ ёзиб олишга эътибор берди. Кичкина камерача билан жихозланган харакат сканерини шлемга ўрнатиб актёрлар бошига кийдирди. Бу янгилик актёрларнинг ҳар қандай ҳолатини, ҳатто унинг ички кечинмаларини-да виртуаллаштириб бериш имкониятига эга.




*Кичик харакат сканери*



*Сканер бераётган тасвир*

Бу системада актёр юзига майдо электрон датчикларни ўрнатишнинг иложи йўқ бўлгани учун ҳам уларнинг юзларига маркерлар билан нуқтачалар қўйиб чиқилди. Кичик камера юз тасвирини асосий компьютерга юборади ва у ерда тасвирлар қайта

ишлилади. Кейин эса харакат фазалари, мимикалар компьютер виртуал дунёсида яратилган қахрамонга юкланди, яъни бириктирилади. Бу жараёнда актёр бирор-бир ҳаракат қилса, шу пайтнинг ўзидаёқ бу ҳаракатларни виртуал актёр ҳам такрорлади.



Компьютер ёрдамида қайта ишилаш жараёни: нуқталарни белгилаш ва ҳаракатларни виртуал актёрга юклаш.

## **Фойдаланилан адабиётлар**

1. Исмаилов М.Н, Ким. С.С “Киносъемочная аппаратура”- Ўқув кўлланма. Т.2006-й.
2. Мелиқўзиев И.М “Кўп камераларда тасвирга олиш услуби”- Ўқув кўлланма. Т.2009-й
3. Исмаилов А.И. Мелиқўзиев И.М “Технические и творческие возможности видеокамеры”- Дарслик . Т.2009-й

## **Назорат саволлари**

1. HD форматининг асосий хусусиятларини айта оласизми?
2. HD форматида фильмлар яратиш жараёнини изоҳланг?
3. HD форматида тасвирга олиш бўйича амалий ишлар қандай бажарилади?

## **2-мавзу. Киноларни тасвирга олишнинг ўзига хос технологияси**

## Режа:

**2.1.** Махсус кино тасвирга олишнинг экспериментал тадқиқотларининг муҳим воситалари.

## 2.2. Мураккаб съёмкалар.

**Таянч сўзлар:** Ўзбек киноси, кинематография, тарихий жанр, композиция, тасвирий ёчим, ифодалилик.

**2.1. Максус кино тасвирга олишнинг экспериментал тадқиқотларининг муҳим воситалари.**

Кино санъати ўзининг юз йилдан ортиқ тарихий ривожланиш йўлида жуда кўп ўзгаришларга, янгиланишларга юз тутди ва замонавий кино санъати даражасига етиб келди. Унда турли даврларда турли авлод ижодкорлари ранг-баранг жанрларга қўл урдилар, ўзгача услублар яратдилар ва турлича бадиий ифода воситаларидан фойдаландилар. Ҳар бир даврда қилинган ўзгаришлар, киритилган янгиликлар ва услубларнинг кино санъатида ўз ўрни бор, албатта.

Бугунги кунда эса маңсус эфектлар сиз кинони тасаввур қилиб бўлмай қолди. Кўпчиликда хайрат уйғотаётган маңсус эфектлар, мутахассисларга яхши маълумки, бугун ёки кеча пайдо бўлиб қолгани йўқ. Аслида унинг илдизлари жуда узокқа, XIX асрлар охирига бориб тақалади.

“Харакатдаги тасвир” – кинематография ўз ривожланиш йўлини томошагоҳдан, ярмарка иллюзионларидан оммавий қўнгилочар томоша сифатида бошлаган экан, унда томошабинни ўзига жалб қилувчи томошавийлик элементларининг, хусусан, турли трюк<sup>10</sup> ва эфектларнинг бўлиши табиий ҳолдир.

Бундан махсус эфектлар кино санъати билан у илк пайдо бўлган даврлардан ўзаро бир бутунликда ривожлана бошлаган ва кинода компьютер махсус эфектларининг пайдо бўлиши кинонинг санъат сифатида шаклланишидаги табиий ривожланиш жараёнининг эволюцион давоми деган хуноса килиш мумкин.

1902-йилда франциялик кино арбоби Ж.Мелес “Эффектли кинолар асри”га эшикни очиб берди. У турли кинотрюкларни ихтиро қилди ва уни кинорежиссуранинг қундалик амалиётига киритди. Янги давр бошланиб маҳсус ва мураккаб тасвирга олиш усулларидан фойдаланиб кинолар яратиш авж олди. 1920-1930-йилларда яратилган фильмлар ичida, жанр хусусиятларидан қатъий назар, мураккаб тасвирга олиш усулларининг ақалли бирортасидан фойдаланилмаган бирор-бир фильмни топиш мушкуллиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу ҳолат ўзига хос эпидемия даражасига ҳам кўтарилиди.

<sup>10</sup>Blain Brown.“Cinematography. Theory and practice imagemaking for cinematographers and directors” -TR850.B7598. Darslik. 2012-USA. 148-bet.

Илмий-фантастик сюжетларга асосланган асарлар илк кино режиссёrlарини ҳам бугунгидан кам қизиқтиргаган, албатта. Фақатгина бу сюжетларни экранга күчиришнинг имконияти йўқлиги уларга талай муаммоларни туғдирган. Деярли ҳамма режиссёrlар ўз ғоя ва режиссёrlик топилмаларини экранда тўлалигича намоён эта олмасликларидан норози бўлардилар. Шундай бўлса-да, улар грим ёки декорациялар воситасида фантастик фильмлар яратишга уринганлар. Немис кино мактаби намоёндалари, режиссёrlар Паул Вагнер ва Генрих Галеэнлар томонидан 1915-йилда яратилган “Голем, у қандай дунёга келди” фильмни қонхўр вампир-дракула тўғрисидаги режиссёр Фридрих Вилгелм Мурнаунинг “Дракуланинг меҳмони” (1897-й.), “Носферату” (1921-1922-й.) каби фильмларнинг яратилиши фикримизга яққол мисол бўла олади.

XX асрнинг 70-йилларига келиб компьютер технологияларининг ривожланиши маҳсус эфектлар яратилиш техникаси ва технологиясини янги босқичга олиб чиқди. Атамашуносликда “маҳсус эфектлар”, “компьютер маҳсус эфектлари”, “компьютер графикаси” тушунчалари пайдо бўлди.

Рақамли технологиялар тиниб-тинчимас киноижодкорларга ўз фантастик тасаввурларига истаганча эрк беришлари учун чексиз имкониятлар эшигини очиб берди. Бевосита кинокамеранинг ўзида иш олиб бориладиган даврда жуда ҳам мушкул ёки тамомила имконсиз бўлган барча эфектлар бугунги кунга келиб оддийгина ишдек бўлиб қолди.

Кўп ҳолларда режиссура, актёрлар ижроси, драматургия каби ҳақиқий санъат асари таркибий қисмлари бўлган компонентлар иккинчи даражага тушиб қолгани ҳолда айнан маҳсус эфектларнинг ўзи фильм томоша қилинишига сабаб бўла бошлади. Бу орада “Фильмда маҳсус эфектлар қанчалик кўп бўлса, у шунча кўп томошабинни ўзига жалб қила олади” қабилидаги ўзига хос ибора ҳам пайдо бўлди. Бу тенденция ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолмоқда. Қачондир бу кино компонентлари ўртасида мувозанатга эришиладими? Маҳсус эфектлар шунчаки ўз имкониятларини кўз-кўз қилмай, киноасарнинг мазмун-моҳиятини, фильм ғоясини тўлиқ очиб бериш ва уни ривожлантириш учун ҳам хизмат қиласадими? Бугунги кун санъат фалсафаси олдида ана шу каби бир қатор саволларга жавоб топиш масаласи турибди.

Бундан ташқари, маҳсус эфектларнинг фалсафий ва маънавий хусусиятларига эътибор қилиш, уларнинг кино санъатининг софлигига келтираётган ва келажакда келтириши мумкин бўлган зарари тўғрисида мушоҳада юритиш, бугунги глобаллашган шароитларда кинодаги миллийлик сифатларининг сақланиб қолиш муаммолари ва ўринли равища бу каби фильмларнинг эндиғина шаклланиб келаётган ёш авлод онгига, руҳиятига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирлари тўғрисида фикр юритиш зарур ва шартдир.

Шундан келиб чиқкан ҳолда айтиш мумкинки, кино санъатида мураккаб тасвирга олиш усулларининг, маҳсус эфектларнинг янги тасвирий ифода воситаси сифатидаги ўрнини аниқлаш ва улар билан боғлиқ ҳолда санъатда,

жамиятда юзага келгап муаммоларни таҳлил қилиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди.

Махсус эфектлар тўғрисида фикр юритишдан олдин, авваламбор, “Махсус эфектлар ўзи нима?” деган саволга ойдинлик киритиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Махсус эффеќт (ингл. *special effect*, qisq. SPFX, SFX yoki FX) – кинематографиядаги технологик усул, йўл. Кинода, телевидениеда, турли шоуларда ва компьютер ўйинларида, фойдаланилади. Асосан оддий усулларда суратга олишнинг имконияти бўлмаган саҳналарни, масалан, олис келажакдаги космик кемалар ўртасидаги жанглар каби шунга ўхшаш фантастик тасвирларни яратиш учун фойдаланилган.

**ФХ** термини инглиз тилидаги аббревиатура бўлиб, спесиал-эфестс, яъни махсус эфектлар маъносини билдиради. **ФХ** аббревиатурасидаги “**Ф**” ва “**Х**” ҳарфлари аслида ҳеч қандай маънони англатмайди. Американча инглиз тилида ясалган “4 У” = 4 – фоур – фор, У = ёу = (сен учун) қисқартма сўзи каби **ФХ** аббревиатураси ҳам **Ф-эфф** ва **Х-экс** сўзларини бириктирган ҳолда эфф+экс яъни, эфестс – эфектлар, сўзи ясалган. Бу каби қисқартма сўзлар ясаш гарбда ҳам урфга кирган.

Махсус эфектлардан яна анъанавий усулда тасвирга олиш усуллари жуда катта сарф-харажатларни талаб қилганда, масалан, самолётни парвоз чофида портлаб кетиши, ёки тасвирга олиш ишлари инсонларга, атроф-муҳитга кучли экологик заарар етказиши мумкин бўлганида, табиий шароитларда имконсиз бўлган, яъни қор бўронлари, кучли торнадо, зилзила кабиларни экранда яратиш мақсадларида фойдаланилади. Бундан ташқари, махсус эфектлардан тасвирга олинган материални қайта ишлашда, сифатини яхшилашда, бошқа тасвирлар билан бирлаштиришда ва кўплаб бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Кино тарихига бир назар ташлаб 1895-1896-йилларда олинган фильмни кўриб чиқилса, уларда ҳеч қандай ғоя ҳам актёрлар ҳам бўлмаганини кўриш мумкин. Уларнинг номлари ҳам худди улардаги сюжетлар каби жуда оддий эди: “Поезднинг станцияга кириб келиши”, “Қор бўрон”, “Қопда югуриш”, “Фотосуратчи хонасида” (ака-ука Люмъерлар); “Тош йўнувчилар иш устида”, “Модель аёлнинг ечиниши”, “Сартарошхонада” (“Пате”); “Вена томоша залида қушларнинг дон ейиши” (“Гомон”). Бирор ғоя учун махсус қилинган эфектлардан асар ҳам йўқ эди.

Кино тарихидаги энг биринчи трюк Париждаги Опера майдонидаги тасвирга олиш ишлари пайтида кашф қилинган. У пайтлар ҳали такомиллашиб улгурмаган кинокамералардан бирида тасвирга олиш пайтида кутилмагандан кинотасма узилиб кетади ва камера тўхтаб қолади. Янги кинотасма қўйилгунигача орадан бироз вақт ўтади. Тасвирга олинаётган обьектлар: фойтунлар, кўп ўринли извошлар (омнибус), одамлар ўз ҳаракатларида давом этавердилар. Янги кинотасма қўйилиб иш давом этади. Кинотасма проявител<sup>11</sup>да қайта ишланганидан кейин уни кўрган режиссёр ғаройиб

<sup>11</sup> *Proyavitel* – проявитель, foto va kinotasmalarni qayta ishlashda, chiqarishda ishlataladigan dori, suyuq modda.

метаморфоза<sup>12</sup>га дуч келади. Жорж Мелес бу воқеани хотирлар экан шундай деганди: “Мен кинотасмани проекторда кўраётгандим ва фильм узилиш рўй берган жойига етганда Мадлен - Бастилия омнибусининг рухлар билан ўраб олинган дафн аравасига, эркакларнинг аёлларга айланиб қолганини кўрдим. Бу трюклар сирини топдим ва икки кун ўтиб эркак кишининг аёлга айланиши, тўсатдан йўқ бўлиб қолиш ва пайдо бўлиш каби, кейинчалик мисли кўрилмаган муваффақиятга эришган трюкларни яратдим”<sup>13</sup>.

“Айланиш” билан боғлик мўъжиза ўз-ўзидан, ҳеч қандай қўшимча техник воситаларсиз, фақатгина камеранинг ўзи билан амалга ошди. Ҳаваскор-иллюзионист бўлган Жорж Мелес камеранинг бу каби ғайриоддий имкониятларига бефарқ қарай олмасди. Мелесга борлиқ оламни шунчаки тасвирга тушириш эмас, балки ижодий ёндашиб уни ўзгартирган ҳолда, аслида мавжуд бўлмаган нарсаларни кўрсатиб бериш фикри келиб қолади. Бу соддагина “сехргарлик” *стоп-кадр* деб номланган илк усулнинг пайдо бўлиши эди.

Аппаратнинг бузилиши унинг шу кунгача аниқ бўлмаган хусусиятини – бир кадрни бошқа бир кадр билан тезликда алмаштира олиш имкониятини очиб берди. Шу тариқа илк кинематографик трюклар кашф этилди. Аниқлик киритиб ўтиш жоизки, бу трюклар кинематографик трюклар эди, яъни улар айнан кинокамеранинг имкониятлари воситасида яратилганди. Чунки, 1898-йилда Алфред Кларк томонидан суратга олинган “Мария Стюартнинг қатли” фильмида механик трюклар ёрдамида қироличанинг бошини чопиши сахналари яратилганди. Унда актриса бошига мумдан ясалган сунъий бош ўрнатилган ва тасвирга олиш пайтида шу бошни кесиб ташлашган.

Ўзи турли фокус ва трюклар “қозонида қайнаб” юрган Мелес сирли “айланиш” ва “ғойиб бўлиш”ларни кўзбайлогичларнинг эски услубларида эмас, балки ўзи ихтиро қилган усулларда амалга оширишга қарор қиласди. Мелеснинг ихтиrolари – кинематографик трюклар илк кино жанрларининг пайдо бўлиши ва ривожланишига туртки бўлди.

1896-йилда суратга олинган “Робер Уден театрида аёлнинг ўғирланиши” фильмида Жорж Мелес экранда ғайриоддий фокус яратди. Фокусчи ролини ижро этаётган актёр, актриса боши узра қўлларини айлантириб бир-икки афсунлар ўқиди ва шу онда Мелес камерани тўхтатди. Актриса камера олдидан нари кетади ва шу онда тасвирга олиш яна давом эттирилади. Намойиш пайтида томошабинлар фильмнинг тўхтаганини сезмадилар ҳам, балки ҳақиқий “сехргарлик”нинг гувоҳига айландилар. Мўъжиза шундоққина томошабинларнинг кўз ўнгида, ҳеч қандай фокусчининг иштирокисиз рўй берди.

Кино афсунгари ўз трюкларининг асл моҳиятини сир тутиш билан уларнинг томошавийлигини янада оширишга хизмат қиласди. “Бир дақиқада ҳаводан 10 та шляпани олаётган фокусчи” (1896-й.), “Робер Уден театрида аёлнинг ўғирланиши” (1896-й.) “Фантасмагорик иллюзиялар” (1898-й.), “Чақмоқ тезлигидаги айланишлар” (1899-й.), “Тирик қарталар” (1905-й.) – бу

<sup>12</sup> Metamorfoza – rivojlanish natijasida boshqa ko’rinishga, tusga kirish, aylanish, keskin o’zgarish.

<sup>13</sup> Sadul J. Всеобщая история кино. Т.1.- М., 1958.- С. 131.9

фильмлар номлари томошабинлар уларда қандай мүйжизаларни күриши мумкин бўлганидан дарак бериб турибди.

Буюк француз киноси дарғаси бундан ташқари *кадрма-кадр тасвирга олиш, икки карра ва кўп карра экспозициялаши, тезлаштирилган ва секинлаштирилган тасвирга олиш, кашедан фойдаланиши* ва бошқа усулларга асосланган эфектларни бирин-кетин кашф қила бошлади ва уни кинорежиссуранинг кундалик амалиётига киритди. Кинода янги тасвирий ифода воситасини кашф этди.

Бир томондан бу каби мураккаб тасвирга олиш усулларини “эфектлар” деб аташ ҳозир ҳатто бироз кулгулидек туюлиши мумкин. Лекин ишончимиз комилки, стол устида рақс тушаётган жимитдеккина балерина ёки тоғдек улкан дев боши билан жанг қилаётган ботир йигит у пайтлар учун ҳақиқий “сехргарлик”дек қабул қилинган.

Мелеснинг мураккаб тасвирга олиш усуллардан фойдаланиш асосида яратган илк 2 дақиқалик фильмни “Иблис қасри” (Ле маноир ду диабле, 1896) картинаси бўлиб, режиссёр бу фильмда ўзига маълум бўлган барча мураккаб тасвирга олиш усулларидан фойдаланишга ҳаракат қилган.

Даҳшат ва фантастика жанрида суратга олинган бу фильмнинг сюжети куйидагича: қадимий қасрларнинг бирида кадрда кўршапалак пайдо бўлади ва у бир айланиб Мефистотелга айланади. Мефистотел сехрли қозонга афсун ўқийди ва қозондан даҳшатли махлуклар, ажина ва алвастильар чиқиб хонада изғий бошлайдилар. Мефистотел ўз бандиларини шу йўл билан қўркувда ушлар эди. Бандилардан бири жуда қўрқиб кетади ва Худодан ёрдам сўраб чўқинади. Ана шу лаҳзада Мефистотел ғойиб бўлади.

Бу фильм кино тарихидаги маҳсус эфектлардан фойдаланиб яратилган энг биринчи фильмдир. Унинг премьераси 1896-йил 24-декабрда Париждаги “Робен Уден” театрида бўлиб ўтган ва унда томошабинларга *секин-аста пайдо бўлиши* (появление), *гойиб бўлиши* (исчезновение), одам ва предметларнинг *бир турдан иккинчи турга айланниши* (трансформация) каби эфектли кадрлар илк бор намойиш этилган. Бу фильмни кўрган томошабинларнинг ўша пайтдаги таассуротлари нақадар ғаройиб бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Мелес ўзининг “Резина бошли одам” (1901-й.) фильмида ўзи ва ўз бошини тасвирга олган. Унда икки тасвирнинг камера ёрдамида бириттирилиши – *комбинацияланиши* амалга оширилган. Мелес бунда объектив линзанинг маълум қисмини қора рангга бўяган ва тасвирга олган. Сўнг кинотасмани орқага қайтариб энди линзанинг аввал бўялган қисмини ювиб, очиқ бўлган жойларини эса қора рангга бўяган ва плёнкада аввал экспозицияланмаган жойига тасвирга олинган. Бу усул кейинчалик мукаммаллаштирилиб *кашедан фойдаланиши* усули яратилган.

1902-йилга келиб мураккаб съёмкалар соҳасидаги дадил қадамлар ташлана бошланди. Ж.Мелеснинг 14 дақиқалик “Ойга саёҳат” (Ла Вояже данс ла Луне) фильмни илмий-фантастика жанрида яратилган энг биринчи фильм бўлиб тарихга кирди. Жорж Мелес бу фильмни Жул Верннинг “Замбаракдан учеб

Ойгача” деб номланган асари ва Герберт Уэллснинг “Ойдаги илк одамлар” фантастик асарлари асосида суратга олган.

Фильмнинг қисқача сюжети шундай: Академия олими конференцияда ўз ҳамкасларига ойга учишнинг имконияти борлиги түғрисида маъруза ўқиб ўз изланишлари билан таниширади. Бу ғояни академия аъзолари қарсаклар билан кутиб оладилар ва ойга экспедиция жўнатишга келишиб оладилар.

Экспедиция аъзолари улкан замбарак ичига ўрнатилган снарядсимон ракета ичига ўтириб, ой томон парвоз қиладилар. Улар ой сатхига қўниб дам олиш учун ётадилар ва эртаси куни тонгда изланишларни бошлайдилар. Улар бу йўлда ғаройиб сакровчи Ой жонзотларига дуч келадилар ва улардан соябонлар билан ҳимояланишади. Олимлар Ерга қайтишга аҳд қилишиб, ракетани ой қоясидан ерга итариб юборадилар. Ракета океанга тушади ва соҳилга эсон-омон сузиб боришади. У ерда эса уларни ҳамкаслари гуллар билан кутиб оладилар.

Фильм премьераси Францияда 1902-йилнинг 1-сентябрида бўлиб ўтган. Бу фильм овозсиз кинематографиянинг ҳақиқий дурдона асарларидан бири деб тан олинган ва кино санъатида маҳсус ва мураккаб тасвирга олиш усусларидан фойдаланишда, унинг ривожида ўзига хос тамал тоши бўлиб хизмат қилди.

Мелеснинг каффиётларини ҳамма ҳам бирдек иштиёқ билан қабул қилгани йўқ. Чунки бу услублар жуда қийин бўлиб, улар ижодкорлардан кучли сабртоқат, юқори даражадаги аниқликни тақозо этар, бундан ташқари жуда кўп вақт ва маблағлар талаб қиласади. Албатта, у пайтда барча ижодкорларда ҳам бундай имкониятлар бўлмагани аниқ. Шунинг учун ҳам режиссёrlар бу янги услубларга жуда қийинчилик билан кўнишишган ва улардан фойдаланишга ўрганишган.

Шу тариқа, Мелеснинг янги новаторлик услублари кино санъатидаги барча маҳсус эфектларнинг асоси ва инъикоси бўлиб хизмат қилди.

Жорж Мелес билан деярли бир вақтда инглиз режиссёри Роберт Паул ҳам алоҳида тасвирларни бир кинотасманинг ўзига кўп маротаба босиш – печат қилиш усулига асосланган кўпгина янги трюкларни кашф қилди. Афсуски, кинотрюклар яратиш жараёнининг ривожланишига хисса қўшган кўпгина бошқа ижодкорларнинг номлари нўмалумлигича қолган. Лекин уларнинг ёрқин истеъдодлари ва машаққатли меҳнатлари боис бир неча ўн йиллар ўтиб кино санъат сифатида пайдо бўлганидан сўнг кинотрюклар яратишнинг янгидан-янги усуслари ўйлаб топилди.

Ж.Мелесдан ташқари унга рақобатчи бўлган жуда кўплаб киноижодкорлар турли трюкларни, эфектларни ихтиро қилиш йўлида меҳнат қилганлар. Улардан бири Фред Габоури бўлиб кинода рассом, дизайнер, реквизитор ва маҳсус эфектлар саҳналаштирувчиси бўлиб ишлаган. Буюк актёр ва режиссёр Бастер Китоннинг "Бир ҳафта" (1920), "Маҳбус №13" (1920), "Қўшнилар" (1920), "Арвоҳлар уйи" (1921), "Юқори белги" (1921), "Эчки" (1921), "Театр" (1921), "Қайик" (1921), "Оқ танли" (1921), "Хотинимнинг қариндошлари" (1922), "Музлатилган шимол" (1922), "Электрик меҳмонхона" (1922), "Кундузги тушлар" (1922), "Севги макони" (1923), "Бизнинг меҳмондўстлигимиз" (1923), "Кичик Шерлок" (1924), "Навигатор" (1924),

"Етти имкон" (1925), "Генерал" (1927), "Коллеж" (1927) каби фильмлари учун бир қатор физик эффектлар яратган.

Америкалик режиссёр Эдвин Портер ҳам кино ривожига катта хисса қўшган. 1902-йилда у илк бор параллел монтаж услубидан "Америка ўт ўчирувчисининг ҳаёти" фильмида фойдаланган.

Бундан ташқари Сегундо Де Шомон "Кабирия" (1914), "Наполеон" (1927) фильмларидағи, Норман Даун "Калифорниядаги миссия", (1907), "Шарқона мұхаббат" (1916), "Денгизчи-Синбод" (1917), "Бахтли қизлар шоуси" (1931), "Юконнинг ишлари" (1937), "Шимол етимчалари" (1938) фильмларида ишлаб чиққан механик ва визуал эффектлари билан, немис ихтироиси Эрнест Кунстман ўзининг "Варете" (1925), "Метрополис" (1927), "Доктор Мабузенинг васияти" (1933), "Ирода тантанаси" (1934) фильмлари учун ўйлаб топган маҳсус эффектлари билан овозсиз кинематографияда маҳсус эффектларнинг ривожланиб тараққий этишига ва янги бадиий ифода воситаси сифатида ривожланишига катта хисса қўшишган. Бу даврни маҳсус эффектлар учун ўзига хос шаклланиш даври бўлган дейиш мумкин.

Ижодкорлар маҳсус тасвирга олиш усулларининг сир-асрорларини билиб олишганидан кейин илк маротаба илмий фантастик фильмларни яратишига интилиш кучайди. Бу ҳол ўз-ўзидан янгидан-янги изланишлар ва услубларни тақозо қиласди. Ана шундай изланишлар мевасини ўзида акс эттирган ҳолда 1933-йилда "Кинг Конг" фильм экран юзини кўрди. Бутун кино тарихида ҳали бунақа фильм бўлмаганди. Фильм орадан қарийб 70 йил ўтган бугунги кунда ҳам, ўзининг мукаммал ва оригинал маҳсус эффектлари билан тасаввурни лол қолдиради.

Мутахассис Уиллис ЎБраян кадрма-кадр тасвирга олиш усулидан фойдаланиб қўғирчоқ ва ҳақиқий актёрлар ижроларини қойилмақом тарзда бир кадрда бирлаштира олган. ЎБраян бу усул устида 20-йиллар ўрталаридан бошлаб тажрибалар ўтказиб келарди. Бу усулда кинокамера худди фотокамера сингари ишлайди ва фақат биттадан кадрни (кадрик<sup>14</sup>ни) тасвирга олади. Бир кадр тасвирга олинганидан кейин қўғирчоқлар ёки предмет ўрни, шакли ўзгартирилади ва кейинги кадр олинади. Иш сўнгидаги эса олинган кадрлар билан ҳақиқий актёрлар ижросини бирлаштириш мумкин бўлади. Натижада эса комбинацияланган тасвирлар ҳосил бўлади. ЎБраян айнан шу усулда ишлаб жуда кўп муваффақиятларга эришган.

Кинематография ривожининг турли босқичларида барча трюкли тасвирга олиш усулларини фильм оператори амалга оширап эди. Кейинчалиқ, тасвирга олиш усуллари, олинган тасвирларнинг сифати, ҳаққонийлиги жиҳатидан уларнинг олдига қўйилаётган бадиий-техник талабларнинг ортиши, маҳсус тасвирга олишнинг янгидан-янги ва мураккаб турлари пайдо бўлиши билан янги мутахассислик – мураккаб съёмкалар бўйича оператор касби пайдо бўлди. Бу иш 30-йилларга келиб касб сифатида тўлиқ шаклланди.

Сабаби жуда оддий, қайсиadir операторда бадиий-ифода воситалардан фойдаланишда, оригинал тасвирий ечим топишда, ёруғликдан фойдаланишда

<sup>14</sup> Kadrik – kinotasmada 4 ta perforatsiya oralig'ida joylashgan bitta kino kadr, kadrcha

туғма интиуицияси бўлса, бошқа бир операторда техник воситалардан фойдаланишда лаёқати бўлади ва ҳеч бир оператор операторлик техникаларини, уларнинг хусусиятларини, улардан фойдаланишдаги моҳиятни уларчалик англаб ета олмайдилар. Айнан шундай техник генийларнинг кашфиётлари, оригинал усуллари ва услублари сабаб кино санъати техник воситалари ривожланиб келган. Операторлик санъатида техник воситаларни, уларнинг имкониятларини яхши билиш орқали янги трюклар ўйлаб топиш, тасвирий ифодалиликка эришиш ва шунинг воситасида экранда бадиий образ яратиш энг биринчи галдаги вазифадир.

Дунёнинг кўплаб кино мактаблари, хусусан, Америкада, Англия, Франция, Германия каби давлатлар киносида маҳсус ва мураккаб тасвирга олиш усулларидан фойдаланиб фильмлар яратадиган студиялар, маҳсус цехлар ташкил этилди ва ривожлана бошланди.

Жаҳон киносида бўлаётган янгиликлар рус кино мактабини ҳам четлаб ўтмади, албатта. Россияда ҳам “Мосфильм”, “Ленфильм”, “М.Горкий киностудияси”, Киев ва Одессадаги бир қатор киностудиялар қошида мураккаб тасвирга олиш цехлари ташкил этилди. Кейинчалик бу каби бўлимлар бошқа бадиий ва илмий-оммабоп фильмлар студиярида ҳам пайдо бўлди.

Маълумки, рус кино мактаби азалдан ўзининг ҳақиқий санъат тарафдори бўлганлиги билан ажралиб турган. Собиқ Иттифоқда қўпроқ инсонпарвар социалистик мафкура устун бўлгани учун, капиталистик давлатлар киносидан фарқли равишда, кинотрюклардан ҳақиқий санъатни, фильм тоғасини ва бадиий асарда баён этилган фантастик ва драматик ҳолатларни томошабинга тўлиғича етказиб беришга имкон берувчи янги тасвирий ифода воситаси сифатида фойдаланилган. Трюк ва эфектларнинг кинога кириб келиши натижасида рус киносида эртак ва илмий-фантастика жанри бекиёс ривожланиш босқичига кўтарилди.

Бадиийликка эришиш, бадиий асарда ёритиб берилиган муҳитни, қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини, сеҳрли эртакнинг барча “сеҳр”ини экранда бор бўйича намойиш этиш учун нималар, қандай техник воситалар зарур бўлса барчасини кашф қилишга интилишлар бадиий кино тарафдорларининг асосий мақсадлари эди.

Мураккаб тасвирга олиш бўйича операторларнинг рус миллий мактаби шакллана бошлади. Мураккаб тасвирга олиш цехларига тез орада бу ишнинг атоқли усталари бўлиб этишган Г.Д.Айзенберг, Б.Н.Горбачев, ака-ука И.С. ва В.С. Никитченколар, Н.С.Ренков каби бир гуруҳ ёш ижодкорлар гуруҳи келдилар. Мураккаб тасвирга олишнинг рус мактаби 1940-70-йилларга келиб АҚШ ва Англиянинг дунёга машҳур визуал эфектлар мактабларидан сира ҳам қолишмасди. Баъзи бир томонлама эса ҳатто анча олдинда ҳам юришарди.

Рус киноси мураккаб съёмкалар усталари гарчанд унчалик мукаммал бўлмаган техник ускуналарда ва сифат жиҳатдан анча паст бўлган (айниқса, рангли кинотасмалар жуда сифатсиз эди) кинотасмаларда ишлаган бўлсаларда, ўзларининг истеъодлари, профессионализм ва

кашфиётчиликлари боис жуда катта муваффақиятга эришдилар, тасвирий услугларни шакллантирдилар ва энг асосийси, улар комбинацияланган тасвирга олиш техник усулларини ҳақиқий санъат даражасига, янги ва мукаммал тасвирий ифода воситаси даражасига олиб чиқдилар. Ҳатто энг гаройиб компьютер видеoeffектлари ижодкорлари ҳам бугунги кунда бу услуглардан фойдаланишмоқда. Фақатгина технологиялар ўзгарган холос.

## 2.2. Мураккаб съёмкалар.

Мураккаб съёмкалар бўйича операторлик касбининг парадокси шуки, бу операторларнинг ижодий карточкасида жуда кўп кинофильмлар номлари кўрсатилган бўлиши мумкин. Лекин аксарият ҳолларда улар томонидан кўп изланишлар натижасида ўйлаб топилган тасвирга олишнинг янгича усуллари, жуда машаққатли ва узоқ вақтли тайёргарликни талаб қиласидан комбинацияланган кадрлар, трюклар ва эффектлар экранда унчалик кўринмайди, чунки айнан бу трюкларнинг экранда сезилмаслиги ва тасвирий-ифодавий, стилистик жиҳатдан постановкачи-оператор томонидан олинган кадрлар билан тўлиқ мос келиши бу ишда энг олий маҳорат нуқтаси ҳисобланади. Бу кадрларнинг ҳақиқийлигига ҳатто энг сезигир томошабинни ҳам ишонтира олиш талаб этилади.

Фильмда рассомлар ишини, ёки бўлмаса Витторио Сторраро, Сергей Урусевский, Алексей Москвин, Хотам Файзиев, Абдураҳим Исмоилов каби постановкачи операторлар ижодий услубини (почеркини) дарров сезиб олиш мумкин. Визуал эффектларда? Агар бирор-бир визуал эффектлар супервайзер<sup>15</sup>ининг ижодий услубини аниқлашнинг иложи бўлса, фильмда уларни нималардан сезиш мумкин?

Шу саволга жавоб топиш мақсадида Вариэтӣ журнали ходимлари дизайнер ва ВФХ супервайзерлари орасида сўровнома ўтказдилар. Сўровлар пайтида “Ибтидо” (“Начало”) фильм бош рассоми ва дизайнери Гай Хендрис Даяс шундай деди: “Агар ВФХ супервайзерлари ижоди тўғрисида гапирадиган бўлсак, уларнинг ишини, ижодий услубарини рассом ёки постановкачи операторларники каби ажратиб олиш жуда мушкул. Менинг касбимга келсак, дизайнерларнинг ижодий услубарини у ёқтирадиган ранглардан, уларнинг фильм кадрларига кўрсатадиган таъсирларидан сезиб олиш мумкин”<sup>16</sup>.

Визуал эффектлар эртак ва фантастик фильмларда тасвирий-ифодавий ечимининг асосий элементи бўлиб хизмат қиласиди. Махсус эффект усталари, мураккаб съёмкалар операторлари ана шундай фильмларда ўзларининг барча ижодий имкониятларини тўлиғича намоён этишлари мумкин бўлади.

В.Журавлевнинг “Самовий рейс” (1935-й.) фильмси рус кино санъатида илмий фантастика жанрида яратилган энг биринчи фильмлардан бири дейиш мумкин. Фильм оператори А.Галперин, мураккаб съёмкалар бўйича оператор А.Ренков. Фильм воқеалари 1946-йилда бўлиб ўтади ва ерликлар СССР 1 ракетасида коинотга парвоз уюштиришади. Ой сатхига қўнишга муваффақ

<sup>15</sup> Supervayzer – bosh mutaxassis, maslahatchi mutaxassis.

<sup>16</sup> [www.film-effects.ru](http://www.film-effects.ru). “Как распознат работу мастера про визуальным эффектам” мақоласи. 1-бет. 18.01.2011-у.

бўлишади. Фильм қаҳрамонлари парвоз пайтида жуда кўп қизиқарли воқеаларни бошдан кечирадилар.

Фильмда *макетдан фойдаланиши усулининг* энг юқори нуқтасини кўришингиз мумкин. Бундан ташқари мультипликацияда фойдаланиладиган кўғирчоқларни ҳаракатлантириш услубининг кинода илк маротаба кўлланилишини ҳам гувоҳи бўласиз. Фильмни яратиш жараёнида ижодкорлар маҳсус мураккаб тасвирга олиш услубларидан *перспектив мослаштириши*, икки карра тасвирга олиши, кадрма-кадр тасвирга олиши усулидан, кўғирчоқларни кадрма-кадр тасвирга олиши каби усуллардан фойдаланишган.

Ҳақиқий сеҳрни экранда яратиш учун, аввало, ижодкор мураккаб съёмкаларнинг барча нозик жиҳатларини яхши тушуниши, бу касбга кучли қизиқиши ва меҳри бўлиши керак. Н.С.Ренков худди ана шундай инсонлардан эди. Диссертацион ишда Ренков ижодига алоҳида тўхталиб ўтаётганимизга арзирли сабаб бор, албатта. Бошқа рус кино ижодкорлари меҳнатини камситмаган ҳолда айтиб ўтиш керакки, айнан Ренков собиқ иттифоқ киносида маҳсус ва мураккаб тасвирга олиш усулларида яратилган деярли барча усулларни кашф этган ва амалиётга тадбиқ этган.

Николай Ренков кинематографияга 1930-йилда кириб келган. У ўзининг кинодаги деярли ярим асрлик ижоди давомида мураккаб съёмкалар бўйича оператор, саҳналаштирувчи-оператор сифатида 50 дан ортиқ фильмларни яратган.

Н.Ренков ижодини режиссёр Г.Александровнинг “Интернационал”, экспериментал фильмида мультбезакчи сифатида бошлади. Кейинчалик режиссёр А.Л.Птушко билан кўғирчоқли усулда яратилган “Властелин бита” қисқа метражли фильмида, 1935-й. яратилган “Янги Гулливер” деб номланган тўлиқ метражли бадиий фильмда иш олиб борган.

“Янги Гулливер” фильмни ҳажмли-мультипликация усулида яратиладиган бўлиб, “Самовий рейс” фильмидан фарқли равишда ҳақиқий актёрлар ва кўғирчоқлар ҳаракатини монтаж услубида эмас, балки ҳақиқий бир кадрда бирлаштириш йўли билан яратилган дунёдаги энг биринчи тўлиқ метражли бадиий фильмдир. Оператор олдида секундига 24 кадр тезликда суратга олинадиган ҳақиқий актёр ижроси билан кадрма-кадр тасвирга олинадиган кўғирчоқ қаҳрамонлар ижросини бир кадрда бирлаштиришдек жуда оригинал ва мураккаб ижодий вазифа туради.

Фильм сюжети оддий ва жўн: пионер Петя “Гулливернинг саёҳати” китобини тинглаб ўтириб ухлаб қолади ва тушида бироз телбароқ қирол ҳукм сурадиган Лилипутия мамлакатига тушиб қолади. Қирол амалдорлари Петядан кучли ва енгилмас янги курол сифатида фойдаланишмоқчи бўладилар. Лекин Петя кўзғолончи ишчилар томонида жанг қиласи ва кўзғолончилар ёш пионернинг кўмаги билан золим ҳукуматни тахтдан ағдариб ташлаб озодликка эришадилар. Бу каби сюжетлар собиқ Совет мафкураси ва эртакнинг ўзига хос синтези эди ва Совет мафкурасини тадбиқи учун йўналтирилганди.

Кўғирчоқлар ва актёрларни бир кадрда жамлаштириш учун тасвирга олишга тайёргарлик жараёнида кўғирчоқ персонажларга керакли характер ва

ҳаракат темпини танлаш, Лилипутия одамларининг бир пайтнинг ўзида ҳаққоний ва гротескли образларини яратиш учун, масштаб ва макон бўйича жуда қўп мураккаб ҳисоб-китобларни амалга оширишга тўғри келган. Қўғирчоқлар иштирокидаги саҳналарни кадрма-кадр тасвирга олиш жараёнида камера ҳаракатини, яъни яқинлашиш (*наезд*), узоқлашиш (*отъезд*) ёки камера ҳаракатини (*проезд*), ҳатто операторлик крани ҳаракатини-да имитация қилиш имконини берувчи бир қатор маҳсус конструкциялар яратилди.

Қўғирчоқ актёрларни тасвирга олиш жараёнида биринчи пландаги қўғирчоқлар билан кадрда анча орқа планда жойлашган қўғирчоқлар ўртасида кадрдаги фокус нисбати тирик актёрни тасвирга олиш пайтидаги тиник тасвирланувчи майдон кенглигига мос келишига асосий эътибор қаратилди.

Актёрга ва қўғирчоқларга характер жиҳатдан бир хил, лекин интенсивлиги жиҳатидан тамомила бошқача ёруғлик ўрнатиш керак эди.

Фильмнинг бир қисми ўша давр учун анча янгилик бўлган ва ҳали тўлиқ ўзлаштирилмаган *транспарант* (30-йиллардаги кўк экран) экспериментал технологияси воситасида яратилган. Бу усулга асосан аввалдан тасвирга олиб тайёрлаб қўйилган фоннинг позитив тасвирларини плёнканинг оптик зичлигига пропорсионал равишда қизғиши-сариқ рангга бўялади. Тасвирга олиш ишлари кўк фонда амалга оширилади, персонажлар эса қизил ёруғлик билан ёритилади. Ўзининг фильм каналидан бир пайтнинг ўзида иккита кинотасмани ўtkаза оладиган (бипачная камера) тасвирга олиш камерасининг кассеталаридан бирига аввалдан тайёрлаб қўйилган фон тасвирли позитив плёнка ва иккинчисига тоза панхроматик негатив кинотасма ўралади.

Персонажлардан аксланаётган қизил ранг сариқ – қизғиши сариқ рангта бўялган позитивдан ҳеч қандай қаршиликка учрамай ўтиб негатив кинотасмага таъсир ўтказади ва тасвир ҳосил қиласи. Кўк ранг эса позитив плёнкадаги тасвирларнинг кучли ёки кучсиз бўялганлигига қараб ундан қисман ўтади ёки умуман ўтмайди. Бу икки кинотасманинг бир пайтда ҳаракат қилиши жараёнида негатив плёнкада фоннинг тасвири чизилади. Бунинг натижасида кўк фонда тасвирга олинган объектлар аввалроқ тасвирга олиб тайёрлаб қўйилган фон тасвирлари билан бириккан ҳолда акс этади. Бу ҳолатда олдинги планда турган объектнинг ичидан орқа фоннинг кўриниб туриши ҳолати, яъни объектнинг “руҳга айланиб қолиш” эффекти ҳам юзага келмайди.

“Янги Гулливер” фильмни жанр сифатида янгилиги, ижодий ечимининг ўзига хослиги билан кинематография оламида сезиларли бурилиш ясади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истардикки, орадан 75 йил ўтган бўлса ҳам “Янги Гулливер” фильмни ўша даврнинг ҳали ривожланмаган, одми техник воситаларидан фойдаланиб яратилганлигига қарамай, актёр ва қўғирчоқлар ижросини бир кадрда мужассам қила олган, оригинал тасвирий ифодалиликка эриша олган фильм сифатида дикқатга сазовор. Бу эса оператор ва режиссёрнинг юқори маҳоратидан дарак бериб турибди. Фильм ижодкорлари асар воқеаларидаги шартлилик билан тасвирий ҳаётийлик ўртасидаги ажойиб

мутаносибликка эришишнинг уддасидан чиқа олганлар ва бунинг натижасида кинонинг буюк иллюзияси юзага келди, тасаввур тасвирга айланди.

Ренков 1936-йилда постановкачи-оператор ва режиссёр А.Мачерет билан “Само чорлайди” фильмини, 1937-йилда эса мураккаб съёмкалар бўйича оператор сифатида “Қаттиқ текширув” фильмини режиссёр П.Малахов билан тасвирга олди. Ҳар иккала фильм ҳам ҳарбий тематикага бағищланган бўлиб, савия жиҳатдан ўртacha даражадаги фильmlар эди. Лекин бу фильмлар жуда кўплаб самолёт макетларидан фойдаланилганлиги ва ижро жиҳатдан жуда сифатли бўлган ҳаво жанглари саҳналарига бой бўлганлигини ва совет киносида бунга қадар мураккаб тасвирга олиш услубида бу каби кенг масштабли фильм ҳали яратилмаганлигини эътиборга олсак, бу фильмларнинг қанчалик аҳамият касб этганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Тасвирга олиш ишлари учун Ренков раҳбарлигида самолётларнинг кичик макетларини турли комбинация ва ракурсларда тасвирга олиш имконини берадиган маҳсус кран конструкциялари ясалган. Ренков мураккаб тасвирга олиш соҳасида эришган ютуқларидан ўзининг режиссёр Й.Райзман билан тасвирга олган “Само чорламоқда”, режиссёр А.Жаров билан яратган “Нотинч хўжалик” ва “Чин инсон ҳақида қисса” фильмларида, режиссёр А.Столпер билан тасвирга олган “Бизнинг юраклар” каби фильмларида ҳам фойдаланган. “Само чорламоқда” фильмида кино тарихида илк бор парашютда учиб тушаётган актёрнинг ўрта ва йирик планларини тасвирга олиш имконини берувчи янги техник топилма бўлган *тезкор рир-проекция* усулидан фойдаланилган. Бу усулда актёрлик саҳнаси аввалдан тасвирга олиниб тайёрлаб қўйилган фон тасвирлари проекция қилинаётган ёруғ экран фонида тасвирга олинади. Бу усулда оператордан проекция қилинаётган фон тасвирлари ва ҳақиқий актёрлик саҳнаси ўртасида тон ва ёрқинлик шароитларини тўғри танлай олиш маҳорати талаб қилинади.

Птушко ва Ренковларнинг кейинги ҳамкорликда ишлаган фильмлари А.Толстой асари асосида 1938-йилда яратилган “Олтин калитча” фильми бўлди. Мураккаб тасвирга олиш усулларининг тасвирий-ифодавийлик ва постановка имкониятларининг ривожланиши жиҳатидан “Олтин калитча” фильминини ҳам “Янги Гулливер” фильми сингари янги босқичдаги фильм деб аташ мумкин. Фильмда қўғирчоқлар ролини тирик актёрлар ижро этишган, лекин экранда улар оддий одамларга нисбатан анча кичкина бўлишлари керак эди. Қўғирчоқ-актёрлар кадрда рол ижро этаётган пайтда уларнинг “кичиклиги” эффектини улар атрофини ўраб турган предметларни масштаб жиҳатдан катталаштириш ҳисобига ҳосил қилинган. Бир кадрнинг ўзида қўғирчоқлар ва катта одамларни кўрсатиш зарурати туғилганда эса Птушко ва Ренковлар *перспектив мослаштириши* усулига мурожаат қилганлар.

Актёрлар ва қўғирчоқлар ўртасида ўзаро мос келадиган масштаб нисбатларини ҳосил қилиш учун “қўғирчоқлар” ҳаракатланиши лозим бўлган декорацияда ёки бирор табиат манзараси тасвири туширилган деворда маҳсус тешик жой қилинган. Унинг ортида, тахминан 10-20 метр масофа узоқда эса декорациянинг етишмаётган қисми бир неча баробар каттароқ ўлчамларда курилган ва айнан ўша декорацияда қўғирчоқлар ролини ўйнаётган актёрлар

ўз ролларини ижро этишган. Фильм қаҳрамонларининг ўлчамлари ўртасидаги фарқ иллюзиясини янада кучайтириш учун эса қўғирчоқ-актёрлар рол ижро этаётган декорация ичига “катта” персонажларнинг оёқларини айнан ўхшатилган лекин бир неча марта катталаштирилган масштабларда ясалган нусхалари қўйиб қўйиларди. Бу эса кичик қаҳрамонларга “катта”ларининг оёқлари ораларидан bemalol ўтиб ҳаракат қилишларига имкон берган.

Томошибинларда воқеалар икки турли масштабли декорацияда эмас, худди бир жойда содир бўлаётгандек тасаввур уйғотиши учун режиссёр, рассом ва оператор билан биргаликда олдинги ва орқадаги декорациянинг уланган жойлари энг кам сезиладиган нуқталарини аниқлашлари, тасвирининг ҳар бир қисмлари учун алоҳида масштаб кўрсаткичларини ва унга мос равишда тиник тасвириланувчан майдон кенглигини (ГРИП) ҳам ҳисоблаб чиқишилари, бундан ташқари, ҳар иккала декорация қисмлари учун бир хил характердаги ёруғлик муҳити яратиш йўлларини аниқ белгилаб олишлари зарур эди.

Фильм қаҳрамонлари бўлган Буратино ва унинг дўстлари учар елканли кемадан осма нарвонларда тушиб келадиган эпизодида мураккаб тасвирга олишнинг *перспектив мослаштириши* усулидан фойдаланилган. Бунинг учун кадрнинг олд планида турган елканли кема макетида маҳсус тешик жой қилинган бўлиб, кадрнинг орқа планида, макетдан бир неча 10 метр орқароқда елканли кеманинг эшиги ва борт қисмини ҳақиқий актёрлар тушиб келишлари учун бир неча баробар каттароқ ўлчамларда қурилган. Макет ва ҳақиқий катта ўлчамлардаги декорация қисмларини *перспектив мослаштириши* усулида бирлаштирилиши бу усулнинг барча тасвирий-ифодавий имкониятларини ўзида акс эттириб турадиган жуда эффектли кадрларни суратга олиш имконини берди. Бу усулдан фойдаланиш аслида жуда катта ўлчамларга эга бўлган ҳақиқий елканли кемани қуриб чиқишидек жуда оғир ишдан фильм ижодкорларини озод қилган.

Иккинчи технолгия – тезкор кадрма-кадр тасвирга олиш усули бўлиб, ундан фильмнинг “Империя қарши зарба беради” қисмида фойдаланилган. Бу ҳолатда тасвирга олиш жараёнида обьектни бир оз жойидан силжитиш имконияти пайдо бўлиб, обьект ҳаракатланаётган пайтда кадрдан ҳосил бўладиган “чапланиб кетиш” ҳолатини яратиш ва шу йўл билан кадрларга ҳаққонийлик бериш мумкин бўлган.

“Орион” фазо кемаси иллюминаторларидан бизга кўринадиган юлдузли осмон металл листлар ёрдамида яратилган. Улар қора рангта бўялиб, унда юлдузлар вазифасини ўтовчи турли тешикчалар қилинган ва бу тешикчалар ортидан ёруғлик манбай қўйилган. Бу ҳолатда фазо кемалари ҳаракатини уларнинг ўзини эмас, балки ана шу металл листларни ҳаракатлантирган ҳолда имитация қилинган.

Фильмдаги Ой сайёраси кўринишларининг ҳам ҳаммаси ҳақиқий фото тасвирилардир. Тасвирга олиш жараёнида бир неча бор ой моделини тайёрлашга уриниб кўришган, лекин бу уринишларнинг ҳаммаси зое кетган.

Фильмдаги вазнисизлик натижасида ҳавода муаллақ сузаётган ручка эффиқти жуда оддий амалга оширилган. Ручка катта ойна бўлагига икки ёқлама ёпишкоқ скотч ёрдамида ёпиширилганди ва тасвирга олиш пайтида

уни секингина айлантириш, ҳаракатлантириш мумкин бўлган. Стюардесса эса уни шунчаки ойнадан кўчириб олиб ухлаб ётган пассажир чўнтағига солиб қўйган холос.

Фильм охирларига келиб кўришимиз мумкин бўлган “Юлдузлар дарвозаси” кўринишлари слит-ссан технологияси ёрдамида яратилган. Бу технологиянинг эътиборли томони шундаки, тасвирга олиш жараёнида камера фильм каналидаги кадр туйнугига ингичка тирқишига эга бўлган қопқоча қўйилади. Тасвирга олиш жараёнида бу тирқищани кадр ўртасигача суриб у ёқдан бу ёққа ҳаракатлантирилади ва шу пайтнинг ўзида тасвирга олинаётган объектни ҳам ўрнидан қўзғатилиб турилади. Натижада кинотасмада деформацияланган тасвирлар пайдо бўлади. Дуглас Трамбулл айнан шу йўл билан фильмнинг финал қисмидан жой олган “Юлдузлар дарвозаси” кадрларини яратишга муваффақ бўлган. Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, режиссёр Стенли Кубрик бу фильмни яратадиган пайтда компьютер ёрдамида турли виртуал декорациялар, фазовий оламларни моделлаштириш у ёқда турсин, ҳали компьютер технологияларининг ўзи ҳам ривожланиб ултургани йўқ эди.

60-йилларга келиб деярли барча жанрлардаги фильмларда визуал эфектлардан фойдаланиш сустлашди. Мураккаб тасвирга олиш усулларига қизиқиши пасайди ва визуал эфектлар яратишнинг классик услублари янги давр киноси талабларига тасвирий ифода восита сифатида жавоб бермай қолди. Ўз навбатида мураккаб тасвирга олиш усуллари техникаси ва технологияси ҳам такомиллашишдан тўхтади.

Кўпгина режиссёр ва операторлар комбинацияланган тасвирга олиш усулларига худди азоб-уқубатли муаммолек қарашиб, ўз ижодларида улардан “нарироқ юриш”ни маъқул кўра бошладилар.

Бу йўналишдаги янги усуллар, янги технологиялар борган сари камайиб борди. Бу ҳол нафақат Россия, балки жаҳон киносида ҳам кузатилди.

Тўғри, АҚШлик тиниб-тинчимаган кино ижодкорлари бу йўналишда муайян янгиликлар ўйлаб топишар ва амалиётга тадбиқ этиб ғаройиб фильмларни яратишга муваффақ бўлишган. Бироқ жараённинг умумий манзараси эса бу соҳада сустлашишни кўрсатарди.

## Назорат саволлари

1. Махсус эфектлар деганда нимани тушунасиз?
2. Қандай махсус ва мураккаб тасвирга олиш усуллари турларини биласиз?
3. Фильмлар яратища қандай замонавий технологиялардан фойдаланилмоқда?
4. Фильмлар яратища махсус эфектлардан фойдаланиш бўйича амалий ишлар қандай бажарилади?
5. Фильмлар яратища замонавий технологиялардан фойдаланишда қандай методлардан фойдаланилади?

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Исмаилов М.Н, Ким. С.С “Киносъемочная аппаратура”- Ўқув қўлланма. Т.2006-й.
2. Хусанов Ш.Т. “Махсус ва мураккаб тасвирга олиш ва компьютер махсус эфектлари тарихидан”-Ўқув қўлланма. Т.: “ЎзДСМИ”, 2011-й.
3. Исмаилов М.Н,Мелиқўзиев И.М. “Методика определение времени и условие экспонирования с помощью фотоэкспонометра” -Ўқув қўлланма. Т.2007-й
4. Исмаилов А.И. Мелиқўзиев И.М “Технические и творческие возможности видеокамеры”- Дарслик . Т. 2009-й

### **3-мавзу. Кинематография ва телевиденияда юқори даражадаги дид ва бадиий тафаккурга эга асарлар яратиш**

**Режа:**

**3.1.** Ўзбек тарихий фильмларида тасвирий образ яратишида кинооператорнинг маҳорати

**3.2.** Кино санъатида “Тарихий жанр”нинг ўрни ва аҳамияти.

**Таянч сўзлар:** Ўзбек киноси, кинематография, тарихий жанр, композиция, тасвирий ечим, ифодалилик.

#### **3.1. Ўзбек тарихий фильмларида тасвирий образ яратишида кинооператорнинг маҳорати.**

Тарихий жанр деярли кино санъати билан бир пайтнинг ўзида юзага келди ва ривожлана бошлади. Ҳудди бошқа жанрлар каби тарихий жанр ҳам кино санъатида ўзининг мустахкам ўрнига ва ўзига ҳос шакли, йўналишига эга бўлди. Қарийб бир асрлик давр давомида ривожланиб келаётган ўзбек операторлик мактаби, миллий тарихий фильмлардаги тасвирий ечим масаласи, операторларнинг тарихий фильмлардаги маҳорати мазкур илмий мақоланинг асосий тадқиқот обьектиdir.

Ишнинг мақсади жаҳон кино санъатида тарихий жанрнинг юзага келиши, жаҳон ва ўзбек киносидаги илк тарихий фильмлар ва уларнинг асосий йўналишларини, тарихий фильмларда сюжет ривожи ва композиция ҳусусиятларини тадқиқ этишдан иборат. Шу билан бирга, тарихий фильмларда операторнинг ижодий фаолияти, ҳусусан кинооператорнинг тарихий фильмлар тасвирий ечими устидаги фаолиятининг асосий йўналишларини, XX асрда яратилган миллий тарихий-биографик, саргузашт фильмларда операторнинг ижодий топилмаларини ўрганиш мазкур илмий тадқиқот ишининг асосий мақсади ҳисобланади. Ишда, бундан ташқари, жаҳон ва ўзбек миллий кино санъатида, шу билан бирга мустақиллик йилларида жаҳон ва ўзбек кинооператорлари томонидан яратилган бадиий тарихий фильмлар, ушбу фильмлардаги кинооператорлар томонидан яратилган услублар, фойдаланилган тасвирий ифода воситалари, операторларнинг маҳорат кўрсаткичлари тадқиқ этилган.

Инсон онги ва қалбига таъсир кўрсатиш бўйича кино санъатининг имкониятлари беқиёсdir. Бугун Ўзбекистонда кино соҳасига ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 7 августдаги “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚЗ176-сонли Қарори, 2017 йил 9 августда “Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб қувватлаш “Илҳом” жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори имзолангани ана шу ғамхўрликнинг амалий исботидир. Ўзбекистон республикасининг президенти Ш.М.Мирзиёев қарори билан санъат соҳасини, ҳусусан, кино соҳасини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, унинг моддий техник-базасини ривожлантириш

ва керак бўлса қайта тўлиқ шакллантириш, ёшлар тарбиясида кино санъатининг тутган ўрнини чукур анлаган ҳолда миллий тарихий фильмларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Бугунги кунда тарихий мавзудаги, ватанимизнинг шонли ўтмиши, ҳақиқий қахрамонлари, тарихий шахслари, буюк алломалари ва эл-юрт учун жонини фидо қилган оддий инсонлар ҳақида фильmlар яратиш хар қачонгидан ҳам долзарб, ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлиб қолди. Бу масала аввало ўз миллий тарихимизни билиш эҳтиёжидан ҳам кўра кўпроқ маънавий эҳтиёж сифатида намоён бўлмоқда.

“Операторлар ҳақида ёзишни ҳали ўрганмадик, – дея эътироф этади “Уста” деб номланган мақоласида машхур рус кинотанқидчиси, санъатшунослик фанлари доктори С.Фрейлих. – Бизнинг назаримизда, улар фаолиятининг моҳиятида мазмунан тайёр картинасинг, унинг услубининг пластик ифодаланиши ётади”[1. 8-б.]. Ушбу сўзларни С.Фрейлих ўтган асрнинг 50-йилларида айтиб ўтган. Бироқ, бугунги кунда ҳам айнан операторлик маҳорати ва унинг фильмдаги ижодий фаолиятини тўлиқ таҳлил қила оладиган таҳлилий мақолалар, илмий ишлар ёзилаётгани йўқ. Айниқса, айни кунгача тарихий фильмларда операторлик маҳорати масалалари мавзуси доирасида комплекс илмий тадқиқот ишларининг олиб борилмаган. Шу нуқтаи назардан ҳам мазкур изланиш бугунги кун ўзбек киноси ривожи учун актуал ҳисобланади.

Жаҳон ва ўзбек миллий кино санъатида, шу билан бирга мустақиллик йилларида жаҳон ва ўзбек кинооператорлари томонидан яратилган бадиий тарихий фильмлар, ушбу фильмлардаги кинооператорлар томонидан яратилган тасвирий услублар, фойдаланилган тасвирий ифода воситалари, операторларнинг маҳорат кўрсаткичлари ушбу илмий тадқиқот ишининг обьекти сифатида олиниб тадқиқ этилди. Шунингдек тадқиқот олиб бориша мустақиллик йилларида ўзбек кинооператорлари томонидан яратилган бадиий тарихий фильмлар ушбу фильмлардаги кинооператорлар маҳорати унсурлари намоён бўлган тарихий фильмлар, ўзбек киноси операторларининг маҳорат кўрсаткичлари таҳлилий ўрганилган даврий илмий нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар ва диссертациялар материал сифатида тадқиқ этилган.

Тарихий фильмларда операторлик маҳорати масалалари, унинг тарихий фильмларда композиция, ёруғлик ва ранг билан ишлашнинг ўзига ҳос жихатлари дунё ва миллий кино санъатимизда ижод қилган ва дурдона кино асарлар суратга олган буюк кинооператорлар ижодидан мисоллар орқали очиб берилган.

Кинооператорлик маҳорати, фильмларнинг тасвирий ечими, ўзбек кинооператорлар ижодий фаолиятлари сўнгги ўн йилликда тадқиқотчилар томонидан илмий тадқиқот йўналишида бир нечта изланишлар ҳам олиб борилди. Тадқиқотчи А.Асқаровнинг “Қорақалпоқ киносида операторлик маҳорати масалалари” мавзусидаги, Б.Туробовнинг “Ўзбек хусусий фильмларида бадиий, тасвирий образ яратишдаги изланишлар” мавзусидаги, Ш.Зокировнинг “Ўзбекскоэ поэтическоэ кино” (*на примере работ операторов Д.Демусского, М.Краснянского, Д.Фатхулина, Ю.Клименко, А.Антипенко*)

мавзусидаги илмий ишлари, Б.Ганиеванинг “Бугунги кунда ёш кинооператорлар фаолиятида профессионализм масаласи” мавзусидаги, Ҳ.Солиҳова томонидан ёзилган “Ўзбек операторлик санъати” (А.Исмоилов мисолида) номли илмий ишлари шулар жумласидандир. Уларда бугунги кунда ижод этаётган ўзбек кинооператорлари фаолиятига тегишли маълумотларнинг мавжуд эмаслиги табиий. Бироқ ушбу илмий ишларда тарихий мавзулардаги бадиий фильмларда операторнинг ижодий фаолияти, ижодий изланишлари, тарихий фильмларнинг тасвирий ечими, композицияси, тарихий фильмларда ёруғлик ва ранг ечими мавзуларида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Шу нуқтаи назардан қаралганда “Ўзбек тарихий фильмларида тасвирий образ яратишида кинотелеоператорнинг маҳорати” мавзусидаги мазкур тадқиқот иши ушбу йўналишдаги илк қадам ҳисобланади.

Бир асрдан ортиқроқ муддат ичида жаҳон кинематографиясида жуда катта ўзгаришлар юз берди. Бунинг сабаблари турлича. XX аср бошларида юз берган техникавий ривожланиш кинематографиянинг ифода воситалари сифатида янги жанр ва йўналишларни кашф этишга даъват этди. Илфор киноускуналарни ўзлаштирган операторлар ва улар билан хамкорликда ижод қилган режиссёrlар янги услуг ҳамда воситалардан моҳирона фойдаланишиб “экспериментал” кинематография юзага келишига сабабчи бўлдилар. Натижада юз йил ичида кинематография адабиётнинг, тасвирий санъат, архитектуранинг, театр ҳамда телевидениэларда мавжуд бўлган жанрларни ўзининг ифода тили билан ўз майдонида қайтарилиш шаклларда жанрлар ўзлаштириб эндиликда эса янгиларини кашф этмоқда.

### **3.2. Кино санъатида “Тарихий жанр”нинг ўрни ва аҳамияти.**

Кино санъатида “Тарихий жанр” кино санъати билан деярли бир кунда юзага келган дейиш мумкин. Чунки, илк тасвирга олинган фильмларнинг кўп қисми, гарчанд улар ҳужжатли фильм характеристига эга бўлган бўлсада, муҳим тарихий воқеаларни ўзида акс эттиргани билан қимматлидир. Кино санъатининг бугунги кундги долзарб вазифаларидан бири тарихий ўтмишда содир бўлган воқеалар, якин ёки олис ўтмишда яшаган тарихий шахсларга бағищланган асарлар яратишидир. Илмий тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, кино ижодкорлари тарихий мавзудаги киноасарда тарих ҳақиқатига суюнган ҳолда тўқимадан ҳам самарали фойдаланади. Кино мутаҳссислари тарихий шахслар билан бирга шу шахслар образини ёрқин мужассамлантириш, тасвир этилаётган давр манзарасини кенг ва атрофлича кўрсатиб бериш мақсадида тўқима қаҳрамонлар образини асарга олиб кириши мумкин.

Тарихий мавзуда асар киноижодкордан тасвир этилаётган давр ҳаётини ёки тарихий шахснинг ҳаёти ва фаолиятини тарих ҳужжатлари (архив материаллари, хотиралар ва ҳ.к.) асосида ўрганиш, шу даврнинг тарихий колоритини ҳаққоний ифодалаш, персонажлар ташқи кўринишлари ва нутқида ўша даврга хос хусусиятларни акс эттириш талаб этилади. Кино ижодкорларининг тарихий мавзуга мурожаат этишдан мақсади, томошабинларни тарихий ўтмишдаги муҳим воқеалар, тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти билан таништириш, бугунги воқеликдаги айрим нохуш воқеа ва

ходисаларга тарихий ўтмиш воқеаларини тасвирлаш орқали муносабат билдиришдир.

Кино санъатидаги тарихий жанр – бадиий кино жанрларидан бири бўлиб, у муайян тарихий даврни, воқеа ёки бирор тарихий шахс хаётини ўзида акс эттиради. Тарихий жанр ҳам ўз навбатида бир нечта кичик жанрларга бўлинади:

**1.Тарихий-биографик жанр** – аниқ бир тарихий шахснинг хаёти ва фаолияти ҳақида батафсил ҳикоя қилувчи ост жанр. (“Спартак”, “Буюк Амир Темур”, “Темир хоним”, “Ибн Сино”, “W.Буш”, “Ганди” ва бошқ.).

**2.Тарихий-саргузашт жанр** – ўйлаб топилган ёки бирор афсонавий қаҳрамонга бағишиланган фильм, аксар ҳолларда ўткир сюжетли ва интригаларга бой бўлади (“Граф Монте Кристо”, “Индиана Джонс” ҳақидаги фильмлар) Тарихий фильмлар кўп ҳолларда тарихий романларнинг экранизацияси сифатида намоён бўлади (“Ўткан кунлар”, “Харобадан чиққан миллионер” ва бошқ.).

Тарихий фильм кўпинча бадиий кинонинг саргузашт жанри ва жангари жанри билан кесишади. Негаки бу жанрлардаги фильмларда турли драматик воқеалар, урушлар, инқилобий воқеалар ва шу каби ҳодисалар ёритилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тўлалигича, яъни соф тарихий жанрда яратилган фильмлар кам учрайди. Уларнинг кўпчилиги асосан субжанрларда ёки бадиий фильмларнинг бошқа жанрлари билан қоришиқ ҳолатда яратилади.

Ҳар бир нарсада бўлгани каби тарихий фильмларга ҳам муайян талаблар мавжуд. Бу талаблар жанрнинг бошқа жанрларидан ажралиб туришига асосий омил бўлиш билан бирга тарихий фильмнинг тарихий фактларга асосланишини, унинг томошабинга ҳудди ҳужжатли кино каби “ишончлилик” таъсир кучга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда юзага келган.

**1.Тарихий ишончлилик.** Муайян даврни ёритиб берётган фильм ўша даврга мос ва ҳос воқеалар, атрибулар, деталларни ўзида акс эттириши шарт. Фильмда кўрсатилаётган воқеалар ҳақиқатдан ҳам ўша даврда содир бўлган бўлиши, ёки хеч бўлмагандга шу даврда содир бўлган “бўлиши мумкин” деган қарашга мос келиши керак.


**2. Фильм қаҳрамонлари вақт қонунларини бузмасликлари керак, ёки бу бузилишлар асосли бўлиши лозим.** Яъни, агар қаҳрамонлар дейлик рицарлар бўлишса албатта улар ўша даврга ва рицарларга ҳос холда сўзлашишлари, ўзини тутишлари керак.

**3. Тарихий даврга оид реквизитлар ва антураж ҳам шартли равища кўрсатиш мумкин, фақат улар фильмда муҳим аҳамият касб этмай фақат фон сифатида фойдаланильса.** Оддий бир мисол, агар биз капитанлик пагони тақиб олган офицерни экранда кўриб турсагу, унга кимдир “жаноб катта летейнант” деб мурожаат қилса бу жуда қўпол хато хисобланади.

**4. Агар биз ҳақиқий тарихий шахсларни фильмда кўрсатаётган бўлсақ, уларнинг хаётини бир оз соддалаштириб, қсқартириб кўрсатишмиз мумкин.** Чунки, барибир унинг бутун хаётини кўрсатиб беришнинг имкони йўқ. Асосийси бу қаҳрамон хаётини бузиб кўрсатишмиз ёки нотўғри талқин қилмаслигимиз керак.

Албатта, режиссёр ёки сценарийнавис муайян шахс ёки тарихий воқеага нисбатан ўз нүктаи назарини, ўз талқинини ифодалаш, ўз баҳосини бериш хуқуқига эга. Лекин, бирор тарихий шахсга нисбатан атайин тухмат ёғдириш ёки тарихий воқейликни бузиб кўрсатиш мумкин эмас. Чунки, аксарият томошибинлар тарихий фильмларни ҳудди тарихий ҳақиқат сифатида қабул қиласидилар ва унда кўрсатилаётган воқеа ва шахсларни ҳақиқиатда бўлган деб ишонишади. Шу нүктаи назардан ҳам тарихий фильмларни яратиш жуда мушкул, масъулиятли ва нозик ишдир.

Кино санъати сифатида пайдо бўлган илк йилларда (дастлаб ибтидоий шаклларда) унинг атроф оламда бўлаётган воқеаларни табиий кўринишида, ишонарли ва аниқлик билан тарихга муҳрлай олиш ҳусусияти кино санъатида тарихий жанрнинг юзага келиши ва ривожланишига зарурый эстетик шартшароитни яратиб берди. Кино санъатининг илк йилларида тарихий жанрда яратилган фильмлар ўша давр ижодкорларининг кино асарлари орқали “ўтмишни тиклаш”га бўлган жиддий уринишлари ва изланишларидан далолат беради ва “Герцог Гизанинг ўлдирилиши” (1908, реж. Ле Баржи, А.Калмет, Франция), “Севастопол мудофааси” (1911, реж. В. М. Гончаров) фильмлари фикримизни исботлайди.



*1-расм. “Герцог Гизанинг ўлдирилиши” фильмидан кадр, (1908, реж. Ле Баржи, А.Калмет, Франция).*

Қачонки, киноижодкорлар ўз фильмларида ўтмиш воқеаларига мурожаат қилиб, фильм сюжетига чукур тарихий билимлар ва фактлар асосида қарашса, воқеаларни жамиятда шаклланиб улгурган муносабат асосида қайта тиклашса ва энг аввало, инсоннинг маънавий дунёсига, унинг ижтимоий ва руҳий ривожланишига чуқурроқ, тарихан шаклланган тасаввурлар орқали баҳо бера олганларидагина «Тарихий фильм» тушунчаси ўзининг ҳақиқий маъносида намоён бўлади.

Ўзбекистондаги тарихий воқеаларни энг биринчи бўлиб кинотасмаларга муҳрлаган биринчи ўзбек кинооператори бу Худойберган Девонов эди (1878-1940). У 1907-08 йиллар Москва, Петербургдан телескоп, граммофон, фото ва кино ускуналар олиб келиб фотолаборатория ташкил этган [2, 67-б]. Бу

лаборатория Хоразмда фотокиностудия вазифасини ўтаган. Девонов ижоди рус киносанъаткорлари фаолияти билан деярли бир вақтда бошланган. У “Ўрта Осиё меъморий ёдгорликлари”, “Туркистон кўринишлари”, “Хива ва хиваликлар” каби қисқа метрли фильмларни суратга олган. Кейинроқ, 1925 йилларда “Совкино” мухбири сифатида ишлаб Москвага “Шўр қўл”, “Ишчи аёллар” сингари сюжет ва лавҳаларини юбориб турди. Лекин бу фильмлар хужжатли ҳарактерга эга эди.

Ўзбекистонда бадиий кинофильмларнинг илк намойиши 1897 йил Тошкентда бўлиб ўтган. 1924 йили “Бухкино” номли Рус-Бухоро ўртоқлик ташкилоти ташкил этилиб, у 1925 йили бир қатор хужжатли фильмлар ҳамда “Севзапкино” киностудияси билан биргаликда “Ўлим минораси” фильмини суратга олган. Ушбу фильм, ўша даврда ҳалқ орасида мавжуд бўлган ривоят асосида суратга олинган ва айтиш мумкинки айнан шу фильм тарихий жанрда ватанимизда суратга олинган энг биринчи фильмдир.

1925-26 йилларда “Бухкино”, “Шарқ юлдузи”, “Ўзбеккино” корхоналар идораси ташкил этиди ва “Шарқ юлдузи” кинофабрикаси очилди (Ушбу кинофабрика 1958 йилдан бошлаб “Ўзбекфильм” деб юритила бошлаган). Ҳудди шу йиллардан бошлаб кўплаб фильмлар яратилди. Бунга “Ўлим минораси” (“Бухкино”, 1925 й., режиссёр В.Висковский, оператор Ф.Вериго-Даровский), “Мусулмон қизи” (“Бухкино”, 1925 й., режиссёр Д.Бассалиго, оператор В.Добржанский), “Пахтаорол” (“Шарқ юлдузи” к/с, 1925 й., режиссёр-оператор Ш.Чербаков), “Қуёшли баҳт” (“Шарқ юлдузи” к/с., режиссёр В.Кривсов, оператор Н.Гасилов), “Иккинчи хотин” (“Шарқ юлдузи” к/с., режиссёр М.Доронин, оператор В.Добржанский), “Чодра” (“Шарқ юлдузи” к/с., 1927 й., режиссёр М.Авербах, оператор А.Лемберг), “Равот қашқирлари” (“Шарқ юлдузи” к/с. 1927 й., режиссёр К.Гертел, оператор А.Дорн, композитор В.Успенский), “Ёпиқ фургон”. (“Шарқ юлдузи” к/с., 1926 й., режиссёр О.Фрелих, оператор В.Добржанский), “Мохов аёл” (“Шарқ юлдузи” к/с., 1927 й., режиссёр О.Фрелих, оператор В.Добржанский), “Мусулмон қизи” (“Шарқ юлдузи” к/с., 1926 й., режиссёр О.Фрелих, оператор А.Гинзбург), “Масжид қуббасидан” (“Шарқ юлдузи” к/с., 1928 й., режиссёр К.Гертел, оператор А.Дорн), “Дўстбой Арабий” (“Шарқ юлдузи” к/с., 1930 й., сценарий муаллифи ва режиссёр Н.Зубова, оператор Ф.Вериго-Даровский), “Бағдоддан чиққан америкалик” (“Шарқ юлдузи” к/с., 1931 й., режиссёр Н.Кладо, оператор Ф.Вериго-Даровский) каби фильмларни мисол қилиш мумкин.

Овозиз кино даврида ўзбек кинематографияси ривожига режиссёrlар: О.Н.Фрелих, К.Гертел, М.Доронин, Н.Н.Кладо, операторлар: А.Дорн, А.Булинский, Ф.Вериго-Даровский, В.Шевченко, В.Тимковский ва бошқалар катта ҳисса қўшган. Шу йиллар мобайнида ёш киноижодкорлар: Н.Ғаниэв, К.Ёрматов, М.Қаюмов, Ф.Хўжаев, Р.Ҳамроев, Й.Агзамов, А.Сайдовлардан ташкил топган кино арбобларининг гурухи юксалди. Ўзбек кинематографларининг ижоди ва тасвирга олиш техникаси мукаммалашуви овозли кино учун замин яратди.

“Ўлим минораси” фильмини режиссёр В.Висковский саҳналаштирган, оператор Ф.Вериго-Даровский тасвирга туширган. Ушбу фильм Ўзбек кино санъати тарихидаги маҳаллий афсоналар асосида яратилган энг биринчи тарихий фильмдир. Фильм жуда мاشаққатлар билан суратга олинган. Энг асосий муаммо шундан иборат эдики, фильм ижодкорлари маҳаллий шартшароитни, миллий урф-одатларни, расм-руsumларни, турмуш тарзини, тилни мутлақо билмасдилар. Бу эса фильм сифатига салбий таъсир кўрсатди.

Ижодкорлар томонидан маҳобатли декорациялари билан “Соҳта Шарқ” яратилди [3, 81-б.]. Фильмга таникли актёrlар жалб этилди. Табиат шароитида суратга олишлар Бухорода ўtkазилди, павилондаги тасвирлар эса Москва ва Ленинградда олинди. Ишва билан боқаётган гўзал канизаклар, эҳтиросли эркаклар, экзотик табиат, “телба” пойгалар, мураккаб трюклар, сирлилик ва мистика – буларнинг бари Европа томошабинини мафтун этиши керак эди. Сюжетга асос қилиб Бухородаги ўлим минораси (Минораи калон) ҳақидаги афсона олинганди.

Сценарий муаллифи А.Балагин минора тарихини билмагани ҳолда, камбағал йигитга ошиқ бўлиб қолган хивалик гўзал Жамол ҳақида мелодраматик саргузашт асари ёзган. Фильм ўта жўн, ҳалқ ҳаётининг ташқи кўринишини анчайин нўноклик билан тасвирлаган картина бўлиб қолди. Инқилобга қадар мавжуд бўлган кино анъаналарига содик бўлган оператор Вериго-Даровский фильмни статик тарзда, ўрта ва умумий планлардан фойдаланган ҳолда суратга олди, натижада картина мароми анча секинлашди. Исён эпизодида эса режиссёр В.Висковскийнинг ожиз томонлари сезилиб қолди. Умумий планда ва юқоридан суратга олинган исён кўтаргандар ҳужуми лавҳаси мусулмонларнинг диний байрам ўтказиш учун масjidга бораётганига ўхшаб қолган: “исёнчи”лар шошилмай, бир текис қадам ташлаб амир саройини олишга боришмокда.

Ўз навбатида оператор Вериго-Даровский жангни ўрнида қўзғалмай турган аппаратда олган, натижада воқеа-ҳодисаларнинг фақат камерага кирган қисмини қайд этувчи чет кузатувчига ўхшаб қолган. Бу эпизодни суратга олиш усули шу қадар жўнки, экранда тез-тез қорайишни ҳам кўриш мумкин: бу оммавий саҳна иштирокчиларидан биронтаси қўзғалмас суратга олиш аппарати ёнидан ўтаётib, гавдаси билан унинг объективини тўсиб қўйган. Фильмнинг камчиликлари мўл, лекин шу нарсаниям ҳисобга олиш керакки, “бу ўзбек заминида суратга олинган биринчи фильм эди. Балки шу сабабли бўлса керак, томошабинлар фильмни олқишлиар билан қарши олишди” [3? 17-б.]. Ўзбек томошабинини нафақат фильм воқеалари, балки ўзига таниш воқеа-ҳодисалар кино қилингани ҳам ҳаяжонлантириб юборган.

Оператор Вериго-Даровскийга келсак, у кўп йиллар мобайнида “Севзапкино” студиясида ишлаган. Бу йиллар ичида у билан бир қаторда инқилобдан бурунги кинематографиядан келган операторлар ҳам фаолият кўрсатишган. Булар сафида Н. Козловский, И. Фролов, Г.Лемберг, Е.Рилло, А.Кюн, А.Дранков ва бошқа операторлар бор эди. Уларнинг ҳаммаси профессионал-амалиётчи эдилар. Уларнинг бадиий маданиятига, касбий малакасига ҳавас қиласа арзирди. Анъанага кўра, уларнинг иши аппаратни

албатта ватерпасга ўрнатиб, экспозицияни аниқ белгилаш ва техник талабга мос, деярли бир текис ёруғликда, енгил эффект билан аппарат олдида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни суратга олишдан иборат эди.

Аппаратнинг доимий баландлиги – 120 сантиметрга яқин. Аппаратни бошқа жойга олиб ўтиш, планларни умумий, ўрта, йирикка алмаштириб туриш каби жуда содда ишларни камдан-кам ҳоллардагина амалга оширилган. Ф.Вериго-Даровскийга ҳам устуворлик касб этган тартиб-қоидаларга ўзгартириш киритиш осон эмасди. А.Москвин ва Гордановдан фаркли равишда, у кинотасвир соҳасида “инқилоб” ясашга қодир эмасди.

Бемалол айтиш мумкинки, XX асрнинг 30-йиллари бошида ишлаб чиқарилган биринчи фильм овозсиз кино даври ўзбек фильмлари операторлик санъатида олға катта қадам ташлаш бўлди. 30-йиллари студияда ҳар хил фильмлар яратилди. Уларнинг бадиий савияси ҳам турлича эди. Зоро, бу фильмларни турли ижодкорлар яратардилар.

30-йилларда яна бир тарғибот-ташвиқот фильмни “Тихой сапой” пайдо бўлди. Фильмдаги душманлар етакчисини аёл киши ўйнади. Фильм муаллифларининг ушбу танловиёқ унинг муваффақиятсизлик сари юз буришининг ибтидоси бўлди. Ўша пайтлари душманлар етакчиси этиб эндинга қулликдан озод бўлган аёл кишини тасвирлаш жуда ўнғайсиз эди. Бунинг устига, бу аёлнинг ҳаракатларида ҳеч қандай маъно-мазмун ёки сабаб йўқ, у фақат муаллифларнинг хоҳиши-иродасини адо этади, холос. Айнан муаллифлар буйруғига кўра Ғуломова – истараси иссиқ, бошига дока рўмол ўраб олган, белига тўппонча осган, анча ёшга ҳам бориб қолган аёл жанговар қиёфага кирав, кўлларини кенг аскар қайиши орасига тиқар ва ҳар сафар колхозчилар билан гаплашганида бошини мағрур кўтарганча тўғри томошабин ўтирган залга қаради.

Фильмда камчиликлар жуда кўп эди, натижада у мақсадга етолмади. Шу сабабли, ўйлашимча, операторлар В.Асмус ва Адигов ишига тўхталиб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ.

Агар овозсиз ўзбек фильмларидағи кинооператорлар ишларини таҳлилдан ўтказсак, улар дунё томошабинлари учун ҳали номаълум бўлган, қадимий маданиятга, урф-одатларга, феъл-атворга эга халқи бор, ўз яшаш тарзи, муҳаббат ва нафрати мавжуд, она заминда яшаш учун курашаётган мамлакатни кашф этиб бердилар.

Қуёш ёғдусининг мўл-қўллиги кўплаб овозсиз фильмлар тасвирий ечимиға ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Фотография қонун-қоидаларини яхши биладиган истеъододли ва тажрибали операторлар ёрқин қуёш ёритиши ҳамда қўланкалар ўртасидаги контрастдан бадиий фойдаланишни эплай олдилар. Ёруғлик ва соянинг моҳирлик билан чоғиширилиши, уларни тўғри мувофиқлаштириш ажойиб тасвирлар юзага келишига сабаб бўлди.

Овозсиз кино даврида кинооператорлар ишларидаги яна бир умумийлик – бу экзотикадан ҳаддан ортиқ фойдаланиш: кадрда албатта йиртиқ-ямок миллий чопон, ғариф хужралар, сертупроқ кўчалар, гувала деворлар. Эҳтимол буни ўша пайтлари чиндан ҳам кўплаб ўзбеклар шундай уйларда яшагани, кирчир чопон ва дўппи кийиб юргани, аҳолининг бир қисми фақирликда яшагани

билин изоҳлаш мумкиндир. Ижодкорлар бу одамларнинг бой ички дунёсини, уларнинг меҳр-оқибатини, инсонийлигини ва муносабатларидағи самимийликни кўрсатолмасдан, ташқи белгиларга зўр бердилар.

Гарчанд бу фильмларда операторлар маҳорати жаҳон стандартларидан пастроқ бўлсада, операторлар томонидан ҳайратланарли даражадаги тасвирий ечимли фильмлар яратилмаган бўлсада, улар ўз фильмлари орқали XX аср 20-ва 30-йилларидағи ўзбек халқи ҳаётини абадиятга муҳрлаб қўйдилар.

Бугунги кунларимизда бу фильмларнинг ҳар бир кадри худди хужжатли кино каби томоша қилинади. Бу операторлар ўзларининг меҳнатлари, фильмлари билан ўзбек киносининг янги авлоди пайдо бўлишига замин яратдилар. Улар ўзлари ҳақида ёркин хотиралар қолдирдилар.

Йиллар ўтиб боргани сайин бир нарсага иқрор бўламиз: операторлик санъати ривожланишида студияларнинг техник жиҳатдан қандай жиҳозланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Аксар ҳолларда ўзининг ижодий ғоясини амалиётга татбиқ этмоқчи бўлган операторга кичик студияларда топилмайдиган қиммат ва замонавий суратга олиш техникаси, жиҳозлари керак бўлади. Шу сабабли ҳам оператор кўп ҳолларда мураккаб экспериментлардан воз кечишга ва ўз ғоясини соддароқ йўл билан ҳал этишга мажбур бўлади. Бу эса охир-оқибат ҳар қандай санъат асарини ўртачаликка олиб келади.

Оламшумул фильмларни суратга олган барча буюқ операторлар ажойиб техникага эга катта студияларда фаолият кўрсатишган. “Ўзбеккино” техник юксалишдан узокрокда бўлди ва бу овозсиз кино даврида олинган фильмларнинг бадиий савиясида акс этмай қолмади. 40-йилларда ўзбек киносининг катта ютуқлари: “Тоҳир ва Зухра” (1945 й.), “Насриддиннинг саргузаштлари” (1947 й., реж. Н.Ғаниэв), “Алишер Навоий” (1948й., реж. К.Ёрматов) каби фильмлар суратга олинган. Реалистик тарзда суратга олинган ушбу тарихий фильмларда узоқ ўтмишнинг ҳаёти ва маданияти, жамиятдаги ички жараёнлари тасвириланган.

50-йилларда Тошкент киностудияси маҳсулотлари қаторидан долзарб масалаларга бағишлиланган, тарихий мавзудаги: “Ибн Сино” (1957 й., реж. К.Ёрматов), “Қутлуғ қон” (1956 й., реж. Л.Файзиэв), “Фурқат” (1959 й., реж. Й.Агзамов) фильмларида ўзбек халқининг ўтмишдаги ҳаёти тасвириланган.

60-йиллар кино соҳасидаги бир қатор ютуқлар билан эсда қолган. 1959 йилда ўзбек киноижодкорлари “Ўзбекфильм” киностудиясининг янги биносини қабул қилиб олдилар. Бу ерда катта ёшдаги ижодкорлар К.Ёрматов, З.Собитов, Й.Агзамов, М.Краснянский, Н.Рядов, В.Синиченко, В.Еремянлар қаторида ёш ижодкорлар: режиссерлар Ш.Аббасов, А.Хачатуров, А.Ҳамраев, Д.Салимов, Р.Батиров, Х.Ахмар, У.Назаров, А.Акбаҳўжаев, Э.Ишмуҳамедов, Қ.Камалова, операторлар Ҳ.Файзиэв, Д.Фатҳуллаев, Л.Травиский, Т.Эфтиковский, рассомлар Э.Калантаров, Е.Пушин, Н.Рахимбоев ва бошқалар ўз ижодий фаолиятларини бошлаганлар. Ушбу давр кинематографияси турли жанрлар, йўналишлар ва мавзулар бойлиги билан ажralиб туради. Бу даврга тегишли тарихий фильмлар: “Улугбек юлдузи” (1965 й., реж. Л.Файзиэв), “Ўтган кунлар” (1970й., реж. Й.Агзамов) ҳам шу даврга тегишилдир.

Илк маротаба ўзбек ҳалқининг иккинчи жаҳон уруши давридаги жасорати акс этган: “Сен етим эмассан” (1963 й., реж. Ш.Аббосов), “Қирқ биринчи йил олмалари” (1970 й., реж. Р. Ботиров), “Ой бориб, омон қайт” (реж. Л.Файзиев) фильмлар ҳам суратга олинди.

70-йилларда “Ўзбекфильм” киностудияси томонидан бир нечта тарихий фильмлар суратга олинди. Булар: “Одамлар орасида ёлғиз” (1974 й., реж. К.Ёрматов), “Инсон қушлар ортидан боради” (1976 й., реж. А.Хамраэв), “Абу Райхон Беруний” (1975 й., реж. Ш.Аббасов), “Даҳонинг ёшлиги” (1983, реж. Э.Ишмуҳамедов) ва бошқ. Уларда ўзбек ҳалқи тарихи саҳифалари очилган, тарихий шахслар – шоира Нодира, шоир Мушфиқ ва олимлар – Беруний, Ибн Сино сиймолари гавдалантирилган. Болалар фильмни сифатида ҳалқимизнинг ўтмишидан ҳикоя қилувчи “Шум бола” (1977 й., реж. Д.Салимов) фильмни суратга олинди.

70-йилларда ҳорижий киностудиялар билан ҳамкорликда ҳам бир нечта тарихий мавзудаги фильмлар яратилди. Болгария билан ҳамкорлимкда уруш йилларига бағишиланган “Икки аскар ҳақида ҳикоя” (1977 й., реж. З.Собитов), Хиндистон билан “Али Бобо ва қирқ қароқчи” (1980 й., реж. Л.Файзиев ва У.Мехра) фильмлар суратга олинди. 1975 йил “Ўзбекфильм” киностудиясида сценарийлар устахонаси ташкил этилган.

Мустақиллик йилларида ҳам “Ўзбекфильм” киностудияси томонидан бир қатор тарихий мавзудаги фильмлар яратилди. “Кулол ва Хурмача” (1991 й., реж. Г.Бзаров), “Марғиёна” (1997 й., реж. Х.Файзиев), “Буюк Амир Темур” (1998 й., реж. И.Эргашев, Б.Содиков), “Ўтган кунлар”, (1998 й., реж. М.Абзалов), “Отамдан қолган далалар” (1998 й., реж. Ш.Аббосов), “Воиз” (1998 й., реж. Ю.Розиков), “Алпомиш” (2000 й., реж. П.Файзиев), “Ўртоқ Бойкенжәев” (2002 й., реж. Ю.Розиков), “Меш полвон” (2002 й., реж. М.Абзалов), “Қор қўйнида лола”, (2003 й., реж. А.Шахобиддинов), “Ёдгор” (2003 й., реж. Х.Насимов), “Афанди ва Азроил” (2004 й., реж. Х.Насимов), “Ватан” (2006 й., реж. З.Мусоқов), “Ўтов” (2007 й., реж. А.Шахобиддинов), “Шатранж мамлакати-даги мўъжизалар” (2008 й., реж. Ж.Исьҳоқов, “Қўрғошин” (2014 й.), “Берлин - Оққўрғон” (2018 й., реж. З.Мусоқов) каби фильмлар шулар жумласидандир. Уларнинг кўплари ҳалқаро кинофестивалларда иштирок этди, юқори ўринларни қўлга киритди ва кўпгина мамалакатларда эътироф этилди. Ҳусусан, режиссёр З.Мусоқовнинг “Ватан” фильмни (оператор А.Исмоилов) 2007 йилда Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўtkазилган 50-Халқаро кинофестивалда “Осиёнинг энг яхши фильми” номинациясида ғолиб бўлган. Ҳудди шу фильм 2006 йилда Россиянинг Смоленск шаҳрида ўtkазилган Халқаро кинофестивалда бош мукофот ва дипломга сазовор бўлган.

Машҳур операторлардан бири В.Чумак шундай деб ёзади: “томушабинга воқеа иштирокчиси сифатида қараш, уни дунёқараш ва билим доирасини ҳисобга олиш – бу кино санъатининг ривожланиш йўлидаги муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Агар томушабинга фикрлаш имкони берилсагина, у фильм воқеаларини аниқ таҳлил қила олади.” [4, 53-б.].

Юқоридаги муроҳазаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, кино санъатининг инсон онги ва тафаккурига, жамият ҳаётига таъсири катта.

Тарихий ҳақиқатни түғри етказиб бериш талаби нафақат кадрдан жой олган декорация, ўша тарихий даврга ҳос либослар, реквизитларга, балки бевосита режиссёрнинг актёрлар билан ишлаш йўналишига, операторнинг фильмни тасвирга олишда фойдаланадиган тасвирга олиш услубларига ҳам боғлик. Кино санъати санъат сифатида шаклланиб улгурган даврлардан бошлаб киноижодкорлар тарихий мавзудаги кўплаб фильмларни томошибинлар ҳукмiga ҳавола этдилар. Ўтган, қарийб 100 йиллик давр ичida турли мамлакатларда, турли даврларда, турли ижодкорлар томонидан сон саноқсиз тарихий фильмлар яратилди. Натижада ўзига ҳос “тарихий фильм” услуби шаклланди. Бу услуб асосан режиссёрлик ва операторлик санъатларига даҳлдор десак хато бўлмайди, назаримизда. Фақатгина тарихий фильмларга ҳос бўлган кадр композицияси, тасвирга олиш усуллари шаклланди. Бу ҳолат дунё кино санъатида яратилган барча фильмларга ҳос дейиш мумкин. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, “тарихий услугуб” жаҳоннинг барча мамлакатлар кино мактабларида шаклланиши билан бирга ана шу мамлакат кино санъатининг миллий ҳусусиятларини ҳам ўзида акс эттирган ҳолда шакллана борди.

Фикримизга мисол сифатида Россия кино санъатига ҳос бўлган “тарихий услугуб” ҳақида фикр юритамиз. Россия киносида XX асрнинг дастлабки 30 йилида яратилган “Стачка”, “Потёмкин” зирхли кемаси”, “Санкт-Петербург таназзули”, “Она” ва бошқа фильмларда уларга ҳос бўлган умумий ҳусусиятларни кузатиш мумкин. Бу актёрлар ижросидаги театрга ҳос бўлган пафосли ижро, операторлик санъатидаги контрастли ёритиш услуби, ўткир бурчакли ракурслар, кўпроқ пастки ракурслардан фойдаланиш, мувозанатланмаган композиция, атайин қийшайтириб олинган йирик планлар, асоциатив монтаж услуби, ички динамика ва бошқаларда намоён бўлади. Дунёнинг бошқа мамлакатлари фильmlарида бундай экспрессив ва шу билан бирга табиий йўналиш кузатилмайди.

Экспрессион услуб немис киносига ҳам ҳос, бироқ у рус киносидан анчагина фарқ қиласди. Немис киносида яратилган фильмлар композициясида ташқи белгилар, яъни аққол намоён бўладиган воситалардан, масалан маҳсус гримдан, маҳсус экспрессионистик декорациялардан фойдаланилган. Афсона йўналишида тасвирга олинган, “Доктор Каллигарининг кабинети” (1920 й. реж. Р.Вине), “Голем, у қандай дунёга келди”, (1917 й., реж. П.Вагнер), “Носферату”, (1921 й., реж. Ф.В.Мурнау) каби фильмларда ностандарт декорациялар орқали тарихий ва афсонавий муҳит яратилган.

Рус кино санъатида XX асрнинг 40-60 йилларида янгича “тарихий услугуб” шаклланди. Бу аввало дунё кино санъатида содир бўлаётган инқилобий ўзгаришларнинг таъсири, қолаверса рус миллатининг миллий ҳарактери ва кино санъати анъаналарининг таъсирида шаклланган.

2002 йилда Германия, Канада ва Буюк Британиялик киноижодкорлар томонидан “К-19” фильмси суратга олинган. К-19 атом сув ости кемаси 1961 йилда биринчи марта аварияга учраган. Унинг ядро ректорида носозлик юзага

келган ва натижада 40 га яқин одам ҳалок бўлган. Фильм сув ости кемаси экипажининг матонати, қахрамонлиги ва ватанпарварлиги ҳақида ҳикоя қилади. Россиялик тарихшунос мутахассислар фильмда фақатгина тарихий фактлар бўйича консультант сифатида иштирок этганлар. Тарихий-фожеавий, драма жанрида яратилган мазкур фильм режиссёри Кетрин Бигелоу, постановкаси оператор эса Жефф Кроненвет.

Фильмни суратга олишар экан Европалик киноижодкорлар нафақат Россия тарихига ҳос аянчли ва бир вақтнинг ўзида ҳақиқий ватанпарвар қахрамонлар ҳақидаги воқеани кўрсатиб беришга интилишган, балки уни ҳақиқий “русча услугба” яратишга ҳаракат қилишган. Фильмдаги кадрлар, эпизодлар, актёрлар ижроси, ёритиш услуги, хатто камера ҳаракати ҳам “русча” услугда намоён бўлган. Агар томошабин фильмни рус тилида томоша қиласа ва Харрисон Форд, Лиам Ниисон, Питер Сарсгаард, Сем Спрудл каби Европа ва АҚШ киноси юлдузларини танимаса, бу фильмни 100% рус кино ижодкорлари томонидан яратилган деб ўйлаши аниқ. Чунки, ижодкорлар экранда ҳақиқий рус киноси руҳиятини кўрсата олган. Улар Россия киносида XX асрнинг 40-60 йилларида харбий ватанпарварлик мавзусида яратилган фильмларга ҳос бўлган “тарихий услуг”ни яратади олганлар.

Албатта биз бу мисолни ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий кино хусусиятларига ҳос услуги, ўзига ҳос тарзда ривожланган “тарихий услуг” борлигига далил сифатида келтирдик. Дунё киносида бундай мисоллар талайгина. Тарихий фильмларни яратишда ижодкорлар олдида турган энг биринчи вазифа бу давр руҳини экранда кўрсатиб беришdir.

Тарихий фильмлардаги кадр композицияси ёки эпизод композицияси ўзининг турғунликка, вазминликка асосланганлиги билан ажралиб туради. Лекин, фильмнинг сюжет ривожидан, жанридан келиб чиқиб фильм композицияси, унинг динамикаси фарқ қилиши мумкин. Кўп ҳолларда тарихий фильмларда статик ҳолдаги тасвиirlарни кузатиш мумкин.

Тарихий фильмларни яратишда ёруғлик билан ишлаш оператордан катта маҳоратни талаб қилади. Чунки, узоқ тарихга бағишлиланган тарихий фильмларни суратга олишда кўпинча операторлар минимал ёруғлик шароитида ишлаш талаб этилади. Бунга сабаб оддий, узоқ тарихда кучли ёруғлик берувчи сунъий ёруғлик манбаалари мавжуд эмас эди. Агар оператор олис ўтмиш ҳақида фильм суратга олаётган бўлса ва бу воқеалар тун шароитида рўй бераётган бўлса, оператор кучли ёруғлик воситаларидан фойдаланса бу ҳолат томошабинда фильм воқеаларининг ҳаққонийлигига нисбатан шубҳа билан қарай бошлайди. Бу жуда қўпол хато ҳисобланади. Зотан, ишончлилик ва ҳаққонийлик тарихий жанрга қўйиладиган талабларнинг энг асосийсидир.

Тарихий биографик фильмларда шу билан бирга рангдан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Баъзи тарихий образларнинг характеристерини очиб бериш учун ранг хал қилувчи ўрин эгаллайди. Хатто муайян тарихий шахснинг образи аниқ бир ранг билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Тарихий шахсларнинг образи улар яшаб ўтган давр ва улар бошқарган мамлакатларнинг тимсоллари, масалан оқ, қизил ранглардаги атиргул, лола

гули, беда япроғи ва ана шуларга оид ранглар, ёки бўлмаса олтин, кумуш ёки бошқа рангилар билан боғлиқ бўлади. Тарихий шахслар хақида гап кетганда инсонларнинг аксарият қисмида ана шу тарихий шахслар билан боғлиқ шаклланиб қолган ассоциациялар мавжудлигини қўрамиз. Европаликлар учун Чингизхон образи қон ва қонхўрлик рамзи бўлган қизил ранг билан ассоциацияланади. Европаликлар учун буюк турк Усмонийлар империяси ўзига хос қонхўр ва золим империя сифатида гавдаланади ва қизил ва қора ранглар билан ассоциацияланади. Бунинг устига Усмонийлар империясининг моҳир жангчилари, аскарлари бўлган Яничарларнинг (Усмонийлар империясининг жангчи аскарлари) жанг кийимлари ҳам, империя байроби ҳам қизил рангда бўлган. Туркияning бугунги кундаги байроби ҳам айнан қизил рангда бўлиб, у Туркияning буюк ва шонли тарихидан далолат сифатида айнан қизил ранг сақлаб қолинган.

Қизил ранг яна Собиқ иттифоқнинг, Хитой халқ республикасининг, шу билан бирга Рим империясининг ҳам рамси саналади. Ана шу мамлакатлар ва империяларнинг хукмдорлари ҳам фильмларда қизил ранг билан боғлиқ ҳолда гавдалантирилади.

Тарихий фильмларни суратга олишда оператор аввало муайян услубни, аниқ бир композицион, ёруғлик ва ранг, қолаверса, тасвирга олиш услубини ҳам танлаб олади. Албатта, бу ишни у фильм режиссёри ва рассоми билан ҳамкорлик ва ҳамфирлиқда бажаради. Танлаб олинган услугуб фильмнинг барча компонентларининг услуби ва йўналишини, хаттоқи монтаж йўналиши, актёрлар ижросининг қандай бўлишига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Тарихий биографик фильмларда тарихий шахсларнинг образларини яратишида ёруғлик билан ишлашнинг ҳам ахамияти катта. Чунки кино санъатида ёки телевизион фильмларни яратиш жараёнининг ўзини ҳам ёруғликсиз тасаввур этиб бўлмайди. “Кинода ёруғлик бу худди мусаввир қўлидаги мўйқалам кабидир”, деган эди машхур кинорежиссёр Темур Бекмамбетов “Кино аланы” журналига берган интервьюсида.

Кинорежиссёр Френсис Форд Копполанинг “Апокалипсис бугун...” фильмида қўзголончилар бошлиғи бўлган афсонавий генералнинг образини яратиш учун фильмга машхур актёр Марлон Брондо таклиф этилганди. Бироқ актёрнинг ташқи кўриниши, унинг жисмоний кўрсаткичлари машхур генералнинг кўринишига яқин ҳам келмасди. Шунда италиялик истеъодли кинооператор, “Энг яхши операторлик иши учун” бир нечта Оскар мукофоти соҳиби Витторио Сторраро ёруғлиқдан моҳирона фойдаланган ҳолда тамомила кутилмаган лекин жуда муваффақиятли қарорга келади. У М.Брондони рутубатли ва бўғиқ муҳитга ғарқ қиласди. У актёрнинг фақат боши, юзини ва елкасининг бир қисминигина ёритиб, асосий эътиборни унинг руҳий кечинмалари ва сўзларига қаратади. Натижада экранда мавҳумлик, кўрқинч, сирлилик, ёвузлик, қудрат каби тушунчаларнинг қоришиғидан ташкил топган қаҳрамон образи яратилади. Эътиборлиси шундаки, хаётда ҳам бу генерални кўрган ва у ҳақида эшитган инсонларда айнан шу тасаввур шаклланганди.

Тарихий саргузашт фильмлар операторларга ижод қилишлари учун жуда кенг имконият беради. Айнан шундай фильмларда операторларга ижод қилишлари, тасаввурларига эрк беришлари учун етарли даражада бой материал мавжуд бўлади. Тарихий саргузашт фильмларда ишлаб оператор жуда катта малакага ҳам эга бўлади. Чунки бундай фильмларда маҳсус эфектлар, ёритишнинг барса эфектли турлари қўлланилади. Тасвирга олишнинг ҳам қарийб барча усуллари, ҳаракатдаги камера, операторлик крани, рельс-аравалардан фойдаланиш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланиш имконияти мавжуд.

Тарихий-биографик фильм жанри ҳам, айтиш мумкинки, умуман кино санъатидаги тарихий жанрнинг энг биринчи бўлиб шаклланган турларидан биридир. Чунки, инсоният энг аввало тарихий воқеаларни ёдда сақлайди ва унинг энг марказида ҳар қачон тарихий шахс туради. Ўтган XX аср давомида миллий кино санъатимизда ҳам кўплаб тарихий-биографик ҳамда афсона-эртакларга асосланган йўналишдаги фильmlар яратилди. Ватанимизда тарихий-биографик ҳамда афсона-эртакларга асосланган йўналишдаги илк фильmlар овозли кино даврида, яъни XX асрнинг 30-40 йиллардаги даври операторлар Ф.Вериго-Даровский, А.Дорн, В.Добржанский, А.Гинзбург, Н.Гасилов, А.Лембергларнинг номи билан боғлиқ.

Овозли кино пайдо бўлган даврдан бошлаб ватанимизда янги “олтин” давр шаклланди дейиш мумкин. 50-80 йилларни ўз ичига олувчи бу даврда операторлар Д.Демуский, М.Краснянский, А.Панн, Л.Эфтиловский, Ҳ.Файзиэв, А.Исмаилов ва бошқа кўплаб истеъодли кинооператорлар ижод қилдилар. Улар том маънода ўзбек кинооператорлик санъати равнақ топишига улкан ҳисса қўшган ижодкорлар сифатида тарихда қолди.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида Ўзбекистонга бошқа давлатларнинг киностудиялари эвакуация қилинган эди. Тошкентда Москва, Ленинград, Киёв киностудиялари ижодкорлари фаолият юритган. Турли студиялар ҳамкорлигига эса уруш йиллари даврига бағишлиган “Икки жангчи”, “Александр Пархоменко” (реж. Л.Д.Луков), “217-рақамли одам” (реж. М.И.Ромм) каби фильmlар суратга олинган. Бундан ташқари, ўзбек киноижодкорлари ҳалқнинг ватанпарварлик руҳини кўтариш мақсадида миллий мумтоз асарларга, достон ва ривоятларга асосланган “Насриддин Бухорода” (реж. Я.Протазанов), “Тоҳир ва Зухра”, “Алишер Навоий” (реж. Н.Ганиев), “Фронтдаги дўстларимизга” ва “Ватанимга совға” (реж. К.Ёрматов) каби кўплаб фильм ва киноконцертлар суратга олинган.

“Тоҳир ва Зухра” (режиссёр Н.Ганиев, оператор Д.Демуский, рассом В.Еремян) фильми урушнинг сўнгги йилларида кино экранларга чиқарилди. Илк кинооператорлардан бири Д.Демускийни нафақат рус кинематографлари балки, ўзбек киночилари ҳам маҳоратли оператор сифатида тилга олади. уни ўзбек киносида кинооператорлик мактабининг асосчиларидан бири, деб эътироф этишади.

Ўзбек ҳужжатли киноси асосчиси М.Қаюмов Д.Демусский ҳақида эслар экан шундай деганди: “...У менга кўришни ўргатди. Гўзалликни, деталларни тушунишни, аниқ ва сезгирилик билан кўришни ўргатди. Унга қадар менинг

нигоҳим атрофимдаги оламни оддийгина қабул қилишга ўрганиб қолгандек эди. Мен аксар ҳолларда у кишига ғайритабиий, ҳайратланарли бўлиб кўринган нарсаларни пайқамасдим. Кейинчалик унинг экранида пайдо бўлган нарсалар ўйлаб топилмаган, саҳналаштирилмаган эди. У ҳаётни шундай кўрарди. У борлиқни шоир каби севарди, шоир каби тасвиirlарди, предмет ухшашлигига ёпишиб олмасди, экран поэтик образни олиб чиқарди, шундай ҳис қиласди, шундай муносабатда бўларди. Унинг учун “нейтрал” пейзажнинг, аҳамиятсиз одамнинг ўзи йўқ эди. Унинг фильмларида ҳаммаси бир қарашда жўн ва оддий эди, аммо ижодкорнинг нигоҳи тушганидан сўнг гўзалликка, ўзига хосликка айланарди. Кўчалар, ариклар, сахролар, боғлар – бариси шундай шоирона нафас олар, тасвирий мусиқадек янгардиди, мени ҳайратга солар ва, яширмайман, ҳасадимни кўзғар эди. Биз у кишини “домла” деб атардик. Ўзбеклар устозни шундай дейишади...[5, 46-б.]

“Тоҳир ва Зухра” фильмини тасвирга олар экан Д.Демуский ёрқин, илиқ ва кўтаринги рух берувчи ёритиши услубидан фойдаланишга, экранда майин нур-сояли тасвир ҳосил қилишга, осиё табиатига ҳос кенгликларнинг тонал перспективасини акс эттиришга, мафтункор табиатдан фон сифатида фойдаланишга интилади. Шу билан бирга ўзининг асосий тамойили – томошабин диққатини кадрдаги асосий воқеага қаратиш ва ана шу воқеага алоҳида урғу беришни ҳам эсдан чиқармайди. Халқнинг яшаш тарзини, ўзига ҳос характерини, тарихий архитектура обидалари, тасвирий санъат намуналари, рангтасвирини, миниатюра санъатини чуқур ўргангандиги, шунингдек хроникал кинодаги кўп йиллик тажрибаси Д.Демускийга экранда Ўрта Осиёning ўзига ҳос поэтик образини яратишга ёрдам берди.

“Тоҳир ва Зухра” лиро-эпик поэмаси, Волга бўйи ва Ўрта Осиёning туркий ҳалқларида, шу билан бирга Озарбайжон ва Туркияда тарқалган. Сюжетнинг асоси кўп ривоятларда деярли бир ҳил; бу ёвуз подшо – қизнинг отасининг зульми натижасида бир-биридан айрилган ва ҳалок бўлган икки севишган қалбларнинг аянчли қисмати ҳақидаги трагик ривоят. Феодаллик даврига мансуб барча ривоятларнинг ғоявий асоси – адолат учун кураш. Ривоятнинг ўзбек ҳалқида сақланиб қолган шакли ўзида ҳалқ афсоналар оғзаки ижодиётининг фантастика элементларини сақлаб қолган.

“Тоҳир ва Зухра” фильми – Ўзбекистон ҳудудида ҳамда чет мамлакатлар киноэкранларида ҳам бирдай омадли намойиш этилган ўзбек киносининг энг биринчи йирик киноасаридир. Фильм ўзида буюк инсонпарвар ғояларни – барча тўсиқларни енгиб ўтишга қодир муҳаббат ва озодлик ғояларини ўзида мужассам этган.

Фильмнинг тасвирий ечими жуда омадли топилган. Рассом В.Еремян ўз эскизларида, декорацияларида аниқлик ва шу билан бир пайтда образлилини мужассам қила олди. У машҳур афсонанинг колоритини вабетакор назмий характерини, ўзига хослигини экранда акс эттира олди. Демуский ҳарактер ва образларга қурилган кинематографнинг асосчиларидан бири эди. У ўзининг энг яхши киноасарларида кинооператорлик санъатининг бор қурдатини намойиш эта олган. Доимо фаоллик, экран асарига ҳар вақт муаллифлик даражасидаги ёндашув, ёруғлик гаммаси ва операторлик оптика жихоҳларидан

катта маҳорат билан фойдалана олиш, нозик бадиий дид, мусиқийлик ва лиризм, аниқлик ва лўндалиқ, тасвирий ифода усулларининг бойлиги ва сермазмунлиги – бу сифатларнинг барчаси Д.Демускийнинг ижод услубига алоқадор.

Демускийни ҳақиқатда кино санъатидаги шоир, табиат күйчиси деб аташ мумкин. Унинг фильмларида табиат қўринишлари шунчаки кадр ортидаги фон сифатида эмас, балки фаол, ўз ролини маромида ижро этаётган актёр сингари қад рослайди. Д.Демускийнинг маҳорати фильм қаҳрамонларининг экран образи ва ҳарактерларини яратиб беришда, портретларни индивидуализацияқилишда ҳар бир янги фильм давомида бетўхтов ўсиб, шаклланиб борди. У ҳар бир ҳарактерга унинг ўзига мос ва ҳос бўёқлардан фойдаланишга интилди. “Монокл” билан турли ранглар уйғуналигига, лекин ҳар доим маълум драматургияга бўйсундирилган, образлилик касб этган ҳолда суратга олингандай табиат манзаралари, айниқса, улар “Тоҳир ва Зухра” фильмида яхши кўзга ташланади. Мисол учун, хоннинг ҳашаматли боғива ҳовуз ойнинг сирли кумуш нурлари билан ёритилган, гўзал кечака саҳнаси – у ўзининг тасвирий ечими ва кайфияти билан «Ер» фильмидаги тунги саҳналарни ёдга солади.

“Тоҳир ва Зухра” фильмидаги куплаб кадрлар катта поэзия, ёруғлик, табиатга нисбатан муҳаббат билан тўлдирилган. Бу ўринда Тоҳир ва Зухранинг оқшом боғда учрашган саҳнасини эслаш кифоя. Эпизод қундуз куни суратга олинган. Демуский бу кадрларда ҳам қаҳрамонларининг ички тўлғанишларини, талпинишларини бера олган. Қаҳрамонларни пейзаж бағрига ташлаб, у севишганлар учун ажойиб муҳит яратади. Табиат улуғворлигини Демуский хон ўқидан Тоҳирнинг отаси ҳалок бўладиган “Ов” саҳнасида ҳам намоён этди. Бу саҳна учун режиссёр ва оператор Ургутдаги асрлик улкан чинорлар ўсиб ётган катта майдонни танлашди. Бу дараҳтлар орасида тасвирга олинган эпизод ишончли чиқди – қаҳрамонларининг фожиавий ҳолатлари бадиий томошабоп килиб берилганди.

Бу кадрларда тасвирларнинг тиниқлиги, композицион мукаммаллиги, сермаънолиги билан бир қаторда сўлим табиат кенгликларини бор гўзалиги, салобати билан акс эттиришга ҳам муваффақ бўлган. Ўз пейзажларида Демуский мусиқани ҳис этарди. Уларда Демуский мусиқани эшитарди. Бу борада у шундай дерди: “Мен фото йўналиши бўйичами, кино йўналиши бўйичами бирон йирик ёки масъулиятли ниманидир яратар эканман, ҳамиша қандайдир мусиқани ҳис этаман, фотосуратларимда, айниқса кинокадрларимда қандайдир мусиқий шаклни ривожлантира бораман. Унинг ривожланиш мантиғида... мен ҳамиша олдимда турган ижодий вазифаларни амалга оширишимдаги кўллаб-қувватлашни топаман”.

Демуский ушбу фильмда бизга бир қатор портрет санъати дурдоналарини тақдим этган. Ёш севишганлар Тоҳир ва Зухраларнинг портретлари тасвирий жиҳатдан пастел рангларда ҳал этилган. Улар шаффоф ва мусиқийлик касб этган ва қаҳрамонларнинг пок, муҳаббатга тўла ёш қалбларини ифодалайди.

Кўёш нурларининг нозик мавжланиши, қаҳрамонларнинг енгил ва ёрқин либослари – буларнинг барчаси импресионист рассомларнинг илиқ кайфиятга

йўғрилган ижод маҳсулларини эслатади ҳамда баҳтдан сармасст бўлган икки севишган қалбларнинг образларига мос ҳолда уларнинг ҳис туйғуларини жуда яхши ифода этган. Ўзбек кинооператорлик санъатидаги бу каби янгиликлар йиллар давомида ривожланиб келди. Бу жараён ўзбек операторлик мактабларининг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

“Алишер Навоий” фильмни ғазал мулкининг султони, мутаффакир олим, адиб ва шоир Мир Алишер Навоий хаёти хақида бўлиб унинг дўсти, Темурийзода шахзода Хусайн Бойқаро хукмронлик қилган даврларни ўзида акс эттиради. Фильм бошида Бойқаро ва Навоийнинг кийимлари бир хил бўлиб фильм давомида навоийнинг кийими оқлик, бойқаронинг кийими эса қора рангларга мойиллик касб этиб боради. Фильм сунгида эса кийимлар 100% рангда ажралади.

“Алишер Навоий” фильмидаги фожеали воқеалардан бири (шахзода Мўминнинг ўлдирилиши) сценарийда “мўғул хонининг қароргоҳига ўхшаш” саройда бўлиб ўтади деб ёзилган. Айнан шу қисқа жумлани рассом ва режиссёр, оператор билан биргаликда мудҳиши-аламли эпизодга айлантирадилар. Фильмни дикқат билан кўраётган томошабин ўрта асрга хос кўрқинчли муҳит шароитини чуқур англаб олиши қийин эмас. Бу лавҳа ўз мазмуни ва тасвирий ечими билан фильмнинг катта ютуқларидан биридир.

Д.Демуский бошлаб берган анъанани давом эттирган шогирди М.Краснянскийнинг “Алишер Навоий”, “Насриддиннинг саргузаштлари” каби картиналари нафақат Ўзбекистонда балки, жаҳон киноматографиясиининг олтин фондидан жой олган. Юқорида номи келтирилган санъаткорлар мактаби асосида ўзбек кинооператорлик санъати ривожланди.

60-йиллардан бошлаб ўзбек миллий киноси ривожида сезиларли даражада из қолдирган янги давр бошланди. Республика киносига бир қатор истеъдодли ёш ижодкорлар – режиссёrlар, сценаристлар, операторлар ва рассомлар кириб келдилар. Бадиий кинода ВГИК битирувчилари ёш режиссерлар Д.Салимов, А.Хамраев, Э.Эшмухамедов “Ўзбекфильм” киностудиясиiga ўзларининг янги мавзуси, янгича дунёқарashi ва асосийси замонавий ижодий услублари билан кириб келдилар. Студияга ёш операторлар – Х.Файзиев, Д.Фатхуллин, Л.Травиский, Т.Эфтиловский, А.Исмаилов ва кино рассомлари Э.Калантаров, Н.Рахимбаев, В.Добрин, С.Зиямухамедов ва Б.Назаровлар ҳам келишди. Уларнинг қўпчилиги ҳам ВГИК битирувчиларида. Бу ёш режиссёrlар, операторлар, рассомлар ўзларининг илк ижодий ишлариданоқ истеъдодли ижодкорлар сифатида намоён этдилар.

60-70 йиллардаги ўзбек киносидаги новаторлик ёш ва истеъдодли кинорежиссёр Ш.Аббасов ижодидан бошланди. 1960 йилда режиссер Ш.Аббасов ўзининг илк тўлиқ метражли фильми – “Маҳаллада дув-дув гап” (сценарий муаллифлари А.Рамазанов, Б.Рест) фильмини суратга олди ва бу билан ўзини истеъдодли ва бетакрор ижодкор сифатида кўрсатди. Замонавий сюжетли бу кинокомедия ўзбек халқининг яшаш тарзи ўзгариб бориши билан инсонлар психологиясиининг ҳам ўзгариб бораётганлигидан ҳикоя қиларди.

Фильм ёшлар тақдирини белгилашдаги билан боғлиқ эски удум ва анъаналарга устидан кулади. Постановкачи-оператор В.Владимиров, постановкачи-рассом Э.Калантаров фильмнинг тасвирий драматургик пластикасини жуда аниқ ва ифодали қилиб ҳал қила олишган.

Кинорежиссёр Ш.Аббасовнинг 1962 йилда мамлакат экранларига чиқарилган “Сен – етим эмассан” (сценарий муаллифи Р.Файзи, постановкачи-оператор Х.Файзиэв, постановкачи-рассом Э.Калантаров) фильмни бу даврдаги ўзбек киносида яна бир муҳим воқеа бўлди. Фильмда Улуғ Ватан уруши йилларида Ташкентлик Шоахмад ва Бахри Шомахмудовлар томонидан турли миллатларга мансуб болаларни боқиб олиш ва тарбиялашлари ҳақидаги ҳаяжонли ҳикоя ишонарли ва ёрқин ҳикоя қилиб берилган. “Сен – етим эмассан” кинофильми ўзбек киносининг юксак ғалабаси бўлди. Фильм ўзининг бевосита ҳаққонийлиги билан, кучли режиссерслик иши билан томошабинлар қалбидан чуқур жой олди.

Интернационализм мавзуси Ш.Аббасовнинг яна бир фильм – “Тошкент – нон шахри” (А.Неверовнинг шу номли машҳур асарининг экranизацияси) фильмида давом эттирилди ва чукурлаштирилди. Бу 60-йиллар ўзбек кино санъатининг йирик асари бўлди. Режиссер Ш.Аббасов, оператор Х.Файзиэв, рассом Э.Калантаров инсонларга нисбатан дилдан муҳаббат, экранда давр муҳитини моҳирона яратиб бериш, бадиий ҳақиқат билан томошабинларни жалб қилдилар.

60-йиллар охири ва 70-йилларда ўзбек кинематографчилари ғоявий-бадиий етуклик жихатдан янги босқичга етдилар. Ш.Аббасов, А.Хамраев, Э.Эшмухамедов каби ёш режиссёrlарнинг новаторлик гоялари, изланишлари “Тошкент – нон шахри”, “Абу Райхон Беруний”, “Севишганлар”, “Инсон қушлар ортидан боради” каби дурдона асарларни яратишга имкон берди.

Ўзбек киносининг ривожига Т.Тўла, Р.Файзи, С.Ахмад, Ў.Умарбеков каби қатор етук миллий адилларимиз қаторида С.Мухамедов, О.Агишев, Д.Булгаковдек профессионал сценаристлар ҳам жуда сермаҳсул ижод қилдилар. Миллий фильмларимизга М.Ашрафий, И.Ақбаров, Р.Вилданов, Д.Зокиров, М.Левиэв, С.Юдаков, Ф.Янов-Яновский каби истеъдод эгалари мусиқа ва қўшиқлар басталадилар.

Тарихий жанр кино санъатида, юқорида айтиб ўтганимиздек, кино санъатининг ўзи билан бир даврда юзага келди ва ривожлана бошлади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тарихий жанр ўша давр кино ижодкорлари учун у қадар янгилик эмас эди. Чунки, тарихий жанр аввало адабиётда, тасвирий санъатда, 18-асрнинг 30-йилларидан бошлаб эса фотография санъатида мавжуд эди ва ўз ривожланишининг юқори нуқтасига етиб улгурганди. “Ҳаракатдаги тасвир”нинг пайдо бўлиши ижодкорларнинг қўплаб тарихий асарларни экранларга қўчиришга яна бир туртки бўлган холос десак асло муболага бўлмайди.

Режиссёр Шарл ле-Баржининг 1908 йилда суратга олинган “Гиза Герцогининг ўлдирилиши” номли фильмни, кинода илк маҳсус эфектлар ихтирочиси, яратувчиси бўлган Жорж Мелеснинг “Фауст ва Маргарита” (1897 й.), “Турнавоснинг забт этилиши” (1897 й.), “Жанна ДъАрк” (1900 й.)

“Робинзон Крузо” (1902 й.), “Гамлет” (1907 й.) каби тарихий ва тарихий-саргузашт мавзудаги кино асарлари ҳам фикримизни исботлайди.

Худди бошқа жанрлар каби юзага келган даврдаёқ тарихий жанр ҳам кино санъатида ўзининг мустахкам ўрнига ва ўзига ҳос шаклига, йўналишига эга бўлди. Шу билан бирга бу жанр режиссёрларга тарихни чуқур билиш, тарихий фактлар ва хужжатлар билан ишлаш малакасини берган бўлса, операторларга тарихий воқейликни акс эттиришда янгича композицион услублар, ёритиш ва рангдан фойдаланиш, камера харакати, статик кадрлардан фойдаланишда ўзига ҳос, фақат тарихий жанрдаги фильмларга ҳос услублар жамланмасини тақдим этди.

Оператор, албатта кино рассоми билан бирга ҳамкорликда тарихий фильмнинг тасвирий услубини, унинг ранг ва ёруғлик стилистикасини, умуман фильмнинг тасвирий ечимини белгилаб берувчи энг асосий мутахассислардан биридир. Операторнинг қай даражада малакали, билимли ва истеъододли экани айниқса тарихий фильмларни суратга олишда айниқса кўзга яққол ташланади. Балки, айнан шунинг учун ҳам кўп операторлар тарихий мавзулардаги фильмларни суратга олишга кўп ҳам киришмайдилар.

Ўтган XX асрда ўзбек киносида кўплаб буюк кинорежиссёрлар ва операторлар, рассомлар ва бастакорлар ижод қилдилар ва кўплаб тарихий фильмларни яратдилар. Уларнинг кўпчилиги бежиз УНЕССОнинг олтин фондига киритилмаган. Ана шундай буюк устоз кинооператорлардан Д.Демуский, М.Краснянский, Л.Эфтиловский, Х.Файзиев, А.Исмоилов, Ю.Клименко, Д.Фатхулин, А.Панн ва бошқалардан миллий кино санъатимизга ҳос қучли операторлик мактаби қолди. Айниқса, тарихий мавзулардаги фильмларни яратишда юқорида санаб ўтилган операторларнинг кўрсатган маҳоратлари тахсинга сазовор.

Қарийб бир асрлик давр давомида ривожланиб келаётган ўзбек операторлик мактаби, тарихий фильмларнинг тасвирий ечими масаласи, бугунги кунда тобора кам суратга олинаётганлиги чуқур илмий ўрганиб чиқишига арзирли масалалардан биридир. Илмий тадқиқот ишида юқорида кўриб чиқилган фильмлар тахлилига, тадқиқот натижаларига асосланган натижаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, ўтган XX асрда яратилган тарихий фильмларнинг бадиий сифати, улардаги операторлик санъати жуда юқори баҳога муносибдир. Тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқ бўлди, ўзбек операторлари томонидан тарихий фильмларни яратишда ўзига ҳос услуб, мактаб яратилган. Оператор Д.Демуский ўзбек тарихий фильмларида “Поэтик”, яъни назмий услубни яратган бўлса, Х.Файзиев контрастли ёритиш ва кескин композицияларга асосланган ўзига ҳос динамик услубни яратди. Истеъододли кинооператор Ю.Клименко эса метафоралар ва рамзларга асосланган янгича назмий услубни яратди. Оператор А.Исмаилов тасвирга олган кадрларда документал кинога ҳос бўлган ҳаққонийлик, оддийлик ва халқчилликни ўзида жамлаган “Хужжатлилик” услуби устунлик қиласи. Оператор А.Панн ижодида эса Вестерн тарихий жанрига ҳос бўлган ички динамика, чуқуqr сояли ва жуда контрастли ёритилган кадрлар, фаол харакатдаги камера, йирик планларга бой услубга асос солди.

Бугунги кунда, умуман мустақиллик йилларида ўзбек киносида тарихий мавзудаги фильмларни яратиш борасида ўзига ҳос турғунлик даври юзага келди. Бунга сабаб сифатида аввало мустақилликнинг дастлабки йилларида кишилар онгидаги юзага келган мафкуравий бўшлиқ, эски мафкура таназзули туфайли ағдар-тўнтар бўлиб кетган тарих, тарихий асарлар, сценарийларнинг ёзилиши кескин камайиб кетгани, молиявий муаммолар, режиссурадаги айрим камчиликлар ва бошқа бир неча омилларни келтириш мумкин.

Ўтган 26 йиллик даврда бир қанча режиссёrlар томонидан қатор тарихий бадиий ва телевизион фильмларни яратишга қўл урдилар. Бироқ шуни тан олиш керакки, уларнинг кўпчилик қисми жуда сифатсиз эди. Бунга юқорида санаб ўтилган омиллардан ташқари операторларнинг тажрибасизлиги ва ўзбўларчилик, Давлат киностудиялари мутассадиларининг ўз ишларига панжа остидан қарашлари ҳам сабаб бўлган.

Сўнгги 10 йил давомида ватанимизда тажрибали, ёши улуғ режиссёrlар ва операторлардан ташқари бир нечта ёш ижодкорлар ҳам тарихий, тарихий-саргузашт, тарихий-биографик йўналишларда фильмлар яратишга уриндилар. Бу фильмларнинг барчасини юқори сифатли деб бўлмасада ёш киноижодкорлар томонидан жаҳон андозаларига жавоб берувчи янгича услубдаги тарихий фильмларни яратишга уринишмоқда. Бунга мисол қилиб 2016 йилда ёш режиссёр А.Бектурдиэв ва оператор Р.Муродовлар томонидан суратга олинган “Ойқиз эртаги” фильмини мисол қилиш мумкин.

Умуман олганда фильмни жуда мукаммал деб бўлмайди. Бироқ, ўзининг тасвирий ечими, қўлланилган технологиялари билан Ғарб киносида яратилган фильмларга жиддий рақиб бўла олади. Тарихий-саргузашт жанрдаги “Ойқиз эртаги” фильмининг асосий камчилиги фильмнинг сценарийси ва режиссурасидадир.

Ватанимиз президенти томонидан миллий тарихий фильмларни яратишга алоҳида эътибор берилаётган бир пайтда нафақат давлат, балки нодавлат киностудиялар, телеканалларга ҳам тарихий йўналишдаги киносарларни яратишга буюртмалар сони ортиши аниқ. Бунинг учун эса чуқур билим ва малакали режиссёр ва операторлар талаб этилади.

Агар сўнгги йилларда яратилган тарихий фильмларга эътибор қаратилса, уларда кўпинча катта авлод операторлари иш олиб бораётганини кузатиши мумкин. Тарихий йўналишдаги фильмларда фақат ёш операторлар А.Арзиқулов ва Р.Муродовлар фаолият юритишини кўзга ташланади.

Кадрлар етишмовчилиги, молиявий муаммолар, сценарий ва режиссура билан боғлиқ масалаларни бартарф этиш учун аввало ушбу мутахассисларга таълим бериш жараёнида курс ва битирув иши сифатида тарихий мавзудаги фильмларни топшириш, улар учун тарихий йўналишларда ижод қилувчи режиссёrlар, операторлар, кино рассомлари билан ижодий учрашув ва мастер-класслар уюштириш, тарихий йўналишдаги фильмлар учун алоҳида фестиваль ва конкурслар ташкил қилиш, бундай лойиҳаларни молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш каби бир қатор ислохотларни олдиб бориш зарур. Бундан ташқари тарихий фильмларни яратишда ижодкорларнинг тарихий билимларини мустахкамлаш, уларга тарихий

фактлар бўйича консультациялар берувчи мутахассислар белгилаш ҳам тарихий фильмлар яратиш жараёнида сифатга омил бўлади.

### **Назорат саволлари**

- 1.Кўргазма қуролларида фойдаланиш услубларини кўрсатинг?
2. Портрет тушунчасини изоҳланг?
3. Қандай портрет турларини биласиз?
4. Портретларни суратга олишда табиий ёруғликнинг аҳамияти қандай?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. David Prakel Basics “Photography\_Composition”2004 yil Korea
2. И.Мелиқўзиев. “Кинотелеоператорлик маҳорати амалий бадиий фотосуратга олиш жараёни”- Ўқув қўлланма. Тошкент, 2014й.
3. И.Мелиқўзиев. “Фотокомпозитсия (кўп камераларда тасвирга олиш услуги)”— Ўқув қўлланма . Тошкент, 2014 й.

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-амалий машғулот. Махсус анимацион фильм тасвирга олишнинг энг замонавий технологиялари, усулларини билиш ва улардан фойдалана олиш**

**Ишдан мақсад:** Махсус графика 2D, 3D, 5D, 7D мультфильм ва оммавий ахборот воситаларининг моҳияти ва вазифалари, кўникмаларни тақорлаш. Анимацион фильм ва мультфильмларни таҳлил қилиш. Телевидение ва кино санъати кўникмаларига эга бўлиш.

